Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
6 НОЯБРЬ 1967 й.
ДУШАНБА
№ 261 (416)
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МИРТЕМИР

ТЎЙ ҚЎШИҚЛАРИДАН

Ўрда кўпригидан қарайман сувга,
Сув оқар, сув оқар—жимиллар оқшом.
Гўё кўз ташлайман оқар кўзгуга,
Лавҳа-лавҳа ўтар ўсмирлик айём.
Ўрда кўпригидан қарайман сувга,
Жилмаяр бесаноқ кўкимтир чироқ.
Шаҳар гўё чўмар сеҳрий ёғдуга,
Қандоғам жилвагар бежирим қирғоқ.
Ўрда кўпригидан қарайман сувга,
Мовий мавжлар гўё қалин сирдошим.
Гувоҳ-да ушалмиш не-не орзуга,
Менинг олов умрим-комсомол ёшим.
Ўрда кўпригидан қарайман сувга,
Шу кўприк ўзи ҳам асрий ёдгорлик.
Тўлар алп пойтахтим оқшом кулгуга,
Янграр мақомларда бахт, миннатдорлик

* * *

...Селкиллардн бир кез амонат кўпрук,
Замонидай қинғир, чурук тахталар.
Ғарибона, қалтис, ўз-ўзига юк,
Жон ҳовучлаб ўтмиш бағри лаҳталар.
Шу кўприкдан ўтмиш юпун йиллар ҳам,
Суронли инқилоб, замон гувоҳи.
Сирот кўпригидан ҳавфи эмас кам,
Кўҳналиги эди бутун гуноҳи.
Қора чироқлардан ёғиб мунг, озор,
Ваҳм тараларди Тупроқ қўрғондан.
Тўплар ҳам ўқлоғлик, қатоғон, ғаддор,
Босриқ туш ўрмалар ямоқ йўрғондан.
Бўғиқ фарёд эди куйда авж парда,
Кунлар зардоб эди бўйин йўғондан.
Занжирлар шалдироқ, эл тамом зада,
Йўллар кўринмасди тоғдай тўғондан.

* * *

Қулатдик, ушатдик, йўқотдик бутун,
Қинғир кўприклардан қолдирмадик из.
Янги кўприк қурдик асрлар учун,
Янги дунёларга солдик йўл-негиз...

* * *

Бош эгаман сенга, эй ишчи синфим,
Бош эгаман, халқим-заҳматкаш, девкор.
Бахтинг бўлмас ярти, бахтинг бўлмас ним,
Инқилоб ҳамиша йўлларингда ёр.
Инқилобдан туғилмиш сеҳрга кўз сол:
Тог-тог асрий юкни ағдаролдик-ку.
Ўрда кўприги ҳам гапми, милжинг чол,
Чўлпон юлдузига кўприк солдик-ку.

НОЯБРЬ, 1967 ИИЛ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ Шароф Рашидович **Рашидов Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1967 йил 4 ноябрь.





СОВЕТ ХАЛҚИГА, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ишчиларини, колхозчиларини, совет зиёлиларини, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти жангчиларини, барча меҳнаткашларини умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан қизғин қутлайдилар.

Бундан ярим аср муқаддам Россия пролетариати меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, большевистик партия бошчилигида Ленин раҳбарлигида зафарли социалистик революция қилди, Советлар ҳокимиятини ўрнатди. Ишчилар синфи заводлар ва фабрикаларнинг хўжайини бўлиб қолди. Деҳқонлар ер олди. Мазлум миллатлар озодлик ва тенг ҳуқуқийлик йўлига ўтиб олишди. Революция мамлакатни империалистик урушдан чиқариб олди, уни миллий ҳалокатдан қутқариб қолди.

Октябрнинг ғалабаси — жаҳон тарихидаги энг буюк бурилишдир. Бу ғалаба жаҳоннинг энг катта мамлакатида социализм қуриш учун шароит яратиб берди, инсониятни эксплуатация ва зулмдан озод қилишни бошлаб берди. Октябрнинг шонли 50 йиллигини биз билан бирга социализм мамлакатларининг халқлари, қардош партиялар, халқаро ишчилар синфи, бутун илғор инсоният нишонламоқда.

Октябрь революцияси миллион-миллион кишилар қалбида ғайрат оловини ёқди, мазлумлар учун, озодлик йўлида курашувчиларнинг ҳаммаси учун машъал ва умид бўлиб қолди.

Октябрнинг ўн куни дунёни титратди, ярим асри уни ўзгартириб юборди.

1917 йилнинг октябрида Совет Россияси биринчи бўлиб социализм йўлига ўтди. Эндиликда кўпгина давлатлар ва халқлар шу йўлдан бормоқда. Жаҳон социалистик системаси тарихий ривожланишнинг қудратли омили бўлиб қолди. 1917 йилнинг октябрида жаҳон коммунистик ҳаракати эндигина туғилиб келмоқда эди. Ҳозирги кунда бу ҳаракат марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми байроғи остида курашаётган миллион-миллион коммунистларни ўз сафида бирлаштириб турган қудратли сиёсий кучдир.

1917 йилнинг октябрида жаҳоннинг катта қисми мустамлака асоратининг занжирлари билан кишанланиб қўйилган эди. Миллий озодлик революцияларининг қудратли тўфони асрий мустамлакачилик системасини тилка-пора қилди, илгари қул бўлиб ётган халқлар миллий қайта тикланиш ва социал-тараққиёт йўлига тушиб олмоқдалар.

1917 йилнинг октябри жаҳон сиёсатида тубли ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Ленинниинг сулҳ тўғрисидаги декретидан бошлаб, 50 йилдан бери бизнинг социалистик давлатимиз, империалистик зулм ва агрессия, халқаро игвогарликлар ва ҳарбий авантюралар сиёсатига қарши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашишга қарши тинч ҳамкорлик ва халқаро хавфсизлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун мутасил курашиб келмоқда. Мамлакатимизда коммунизм қурилишига тинч шароитни таъминлаб бермоқ, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолмоқ ва мустаҳкамламоқ учун, социалистик мамлакатларнинг жипслигини мустаҳкамламоқ учун ва халқларнинг миллий ва социал озодлик йўлидаги курашини қўллаб-қувватламоқ учун Коммунистик партия ва Совет ҳукумати зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмоқдалар.

Мамлакатимизнинг Ленин партияси, ишчилар синфи, совет халқи меҳнаткашлар қандай йўл билан озодликка эришишлари мумкинлигини ўзларининг революцион тажрибалари билан кўрсатиб бердилар, социализм нима ва у меҳнаткаш халққа нималар беради, деган саволга амалий жавоб қилдилар.

Эллик йил мобайнида Совет Иттифоқи қудратли социалистик давлат бўлиб қолди, у коммунистик жамият қурмоқда, социал тараққиётнинг олдинги сафида бормоқда. Маркс, Энгельс, Ленин идеялари, партиямиз ва халқимиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Одам-одамни эксплуатация қилишини тугатишни ўзимизга мақсад қилиб олган эдик. Биз бу мақсадимизга эришдик.

Социализм — меҳнаткашлар жамияти. Бу жамиятда эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчилар йўқ. Меҳнат моддий фаровонликнинг бирдан-бир манбаи, барча жамият аъзоларининг муқаддас ҳуқуқи ва фахрли бурчи бўлиб қолди. Ишчининг меҳнати, деҳқоннинг меҳнати, одамнинг меҳнати тарихда биринчи бўлиб жамиятда юксак даражада тақдирланадиган бўлиб қолди.

Социалистик ишлаб чиқаришни вужудга келтиришни ўзимизга мақсад қилиб олган эдик. Биз бу мақсадимизга эришдик.

Халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан мамлакатимизда юксак даражада ривожланган замонавий индустрия вужудга келтирилди. Майда деҳқон хўжаликлари ўрнида техника билан таъминланган йирик колхоз-совхоз ишлаб чиқариши ташкил қилинди. Планли социалистик экономика муттасил тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Миллий адоват ва зулмни тугатишни ўзимизга вазифа қилиб олган эдик. Биз бу вазифани ҳал этдик.

Социализм кўп миллатли Ватанимиз халқларининг қардошларча бирлигини қарор топтирди. СССР халқларининг дўстлигидан кўра мустаҳкамроқ ва қатиқроқ қотишма жаҳонда йўқ. Бу дўстлик революция ва граждан уруши йилларида туғилди. Бу дўстлик беш йилликларни бажариш учун қилинган меҳнатларда мустаҳкамланди, Улуғ Ватан урушининг оловида тобланди. СССР халқларининг ажралмас қардошлиги социализмнинг энг қимматли ғалабаси, келгуси зафарларимизнинг гаровидир.

«Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша», деган социалистик принципни амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб олган эдик. Биз буни амалга оширдик.

Мамлакатимизда қашшоқлик ва ишсизлик, эксплуататорларнинг текинхўрлиги тугатилди. Социалистик ишлаб чиқариш халқ манфаатларига, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдириладиган бўлди. Меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқи, текин илм олиш ҳуқуқи, текин медицина хизмати ва пенсия билан таъминланиш — совет турмуш тартибининг ажралмас белгисидир. Халқнинг моддий фаровонлигини муттасил юксалтириб бориш—социалистик жамиятнинг қонунидир.

Халқ ҳокимиятини ва халқ учун ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирган янги, социалистик давлатни, янги, социалистик демократияни вужудга келтиришни ўзимизга вазифа қилиб олган эдик. Биз бу вазифани ҳам бажардик.

Октябрь туфайли вужудга келган социалистик демократия кенг халқ оммасини давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб қилди, меҳнаткаш халқнинг қобилиятлари, билимлари, истеъдодларини қўлланиш учун кенг майдон очиб берди. Тарихда биринчи марта шундай давлат вужудга келтирилдики, унинг кучи омманинг онглилиги ва уюшқоқлигидадир. Турмушнинг бунёдкорлари — руда ва кўмир қазиб чиқараётган, металл эритаётган, ер ҳайдаётган, атом ва узоқ космос сирларини очиб бераётган, бутун моддий ва маънавий бойликларни яратаётган кишилар шу турмушнинг хўжайинлари бўлиб қолдилар.

(Давоми 2- бетда).

СОВЕТ ХАЛҚИГА, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

(Боши 1-бетда)

Меҳнаткашларни юксак социалистик онглилик руҳида тарбиялашни революция ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бугун биз фахрланиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда коммунизмнинг буюк иши учун ажойиб курашчилар авлоди ўсиб етишди.

Социализм подонлик ва жаҳолатни тугатди, оммавий саводсизликни битирди. Билим ва маданият халқнинг мулки бўлиб қолди. Социалистик идеология ижтимоий онгни ривожлантиришнинг қудратли ижодий кучидир. Социалистик маданиятнинг муваффақиятлари, совет фанининг ютуқлари — инсониятнинг маънавий ривожланишида олға томон қўйилган жуда катта қадамдир.

Улуғ революциянинг эллик йили буюк халқнинг буюк йўлини ўзида ифодалайди. Бу — Октябрь, Коммунистлар партияси онгли ижодкорликка, янги турмуш қуришга отлантирган ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг ва зиёлиларнинг турмуши, меҳнати ва шижоатидир.

Улуғ революциянинг эллик йили шонли курашчи авлодларнинг, янги жамият қурувчиларнинг — Ленин билан бирга партиямизни тузишда қатнашган, самодержавие ва капитализм қалъаларини ҳужум қилиб олган, қўлига қурол олиб ёш Советлар Республикасини ҳимоя қилган, социалистик давлатнинг индустриал қудратини юксалтирган, колхозлар ва совхозларни ташкил қилган, Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолган, халқ хўжалигини қайта тиклашда қатнашган ва эндиликда коммунистик жамият қураётган кишиларнинг бир-бири билан узвий боғланганлигини ўзида мужассамлаштириб турибди.

Совет кишиларининг ғоят зўр фидокорлиги ва мардлиги, революция идеалларига содиқлиги ва онгли интизоми бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда.

Социализмнинг жуда катта муваффақиятлари билан қонуний фахрланиш, бу муваффақиятлардан чуқур мамнун бўлиш ҳислари билан тўлиб-тошганимиз ҳолда биз босиб ўтилган йўлнинг бутун мураккаблигини яққол кўриб турибмиз. Партия билан халқ ҳеч ким юрмаган йўлларнинг машаққатларидан қўрқмай янги жамият қуравердилар. Биз қаттиқ синовлардан ўтдик, ғалабалар қувончини ҳам тотдик, жудоликлар мусибатига ҳам учрадик, вақтинча муваффақиятсизликлар ва хатолардан сабоқлар олдик. Халқимизнинг олижаноб ҳислатлари, революцион онглилиги ва фидокорлиги, пролетар интернационализми ва социалистик Ватанга, коммунизм идеалларига чексиз содиқлиги қаттиқ синов вақтларида бўлгани каби ғалаба тантаналари кунларида ҳам ўзини ғоят мукаммал қилиб, кўрсатиб турди.

Азиз ўртоқлар!

Социализм мамлакатимизга янги ҳаёт берди, эркин меҳнат бахтини, аниқ мақсад йўлидаги ижодкорликнинг битмас-туганмас ғайратини олиб келди. Социалистик қурилишнинг иқтисодий ва социал-сиёсий якунлари бизга коммунизмга ўтишнинг улуғвор истиқболларини очиб бермоқда.

Коммунистик жамият қуришни ўзимизга мақсад қилиб олдик. Биз албатта уни қуриб битказамиз!

Совет кишилари коммунизм идеалларини ўз меҳнатлари ва курашлари билан турмуш практикасига айлантирмоқдалар. Ленин партияси коммунистик жамият қуришнинг асосий йўлларини ўз Программасида, XXIII съезд қарорларида ишлаб чиқди. Халқимиз Улуғ Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари комил ишонч билан олға бормоқда.

Коммунистик жамиятни қуриб битказмоқ учун асосий иқтисодий вазифани ҳал қилиш — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш зарур. Фан ва техниканинг муваффақиятларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида биз саноатни ва қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз ўстиришни таъминлашимиз ва шу туфайли халқ турмуши даражасини янада юксалтиришга, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқроқ қондиришга эришмоғимиз лозим.

Коммунистик жамиятни қуриб битказмоқ учун социалистик ижтимоий муносабатларни зўр бериб такомиллаштира бериш: шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ходимлари ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишга қаратилган чораларни изчиллик билан амалга ошираберириш; миллатлар ва элатларнинг экономикасини ва маданиятини ривожлантира бориб, уларнинг бир-бирлари билан тобора мустаҳкам қардошларча ҳамкорлик қилишини ва бир-бирига ёрдамлашувини таъминлаш; ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг сиёсий асосини ва моддий базасини. Совет давлатини мустаҳкамлай бериш, социалистик демократияни ривожлантира бериш; планлаштиришни, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилайбериш зарур.

Коммунизмни қуриб битказмоқ учун жамиятнинг барча аъзоларини юксак онглилик, меҳнатга ва ижтимоий мулкка коммунистик муносабат, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида зўр бериб тарбиялаб бориш; барча гражданларни жамоат ишларини бошқаришга тортиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантира бериш, меҳнаткашларнинг уюшқоқлигини ва интизомлилигини ошира бериш; социалистик жамият нормаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш; инсонни маънавий бойитмоқ учун бўш вақтдан фойдаланиш; ўрта ва олий таълимни такомиллаштира бориш, илмий тадқиқотларни бутун чоралар билан ривожлантириш, адабиёт ва санъатнинг тарбиявий ролини ошира бериш лозим.

Биз ишонч билдириб шуни айтамизки, қаҳрамон ишчилар синфимиз, олимлар, инженерлар ва техниклар, конструкторлар, барча саноат ходимлари техникани янада тараққий эттирмоқ, иқтисодий ислоҳотни амалга оширмоқ учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай кураша берадилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун, хомашё ва материалларни тежаш учун мусобақани авж олдириш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — давлатимиз иқтисодий қудратини янада ўстиришнинг, коммунизм йўлидан жадаллик билан боришимизнинг энг муҳим шартларидир.

Биз ишонч билдириб шуни айтамизки, шонли колхозчи деҳқонларимиз, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини бундан буён ҳам оғишмай ошираборадилар, маҳсулот бирлигини етиштириш учун сарф бўлаётган меҳнатни камайтираберадилар, ўз ишларидаги иқтисодий кўрсаткичларни зўр бериб яхшилай берадилар, хўжаликни моҳирлик билан ва тежаб-тергаб юритадилар. Ғалла, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқда турмушни ҳамиша яхшилаш, бугун совет халқининг фаровонлигини доимо ошириб бориш мана шунга боғлиқ.

Биз ишонч билдириб шуни айтамизки, фан ва маданият арбоблари, муаллимлар, врачлар, бутун совет зиёлиларимиз бундан буён ҳам халқ олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажара берадилар, ўзларининг куч ва билимларини коммунистик қурилиш буюк ишига сарфлай берадилар, фан ва техникани зўр бериб ривожлантира берадилар, маданиятни оммага сингдира берадилар, ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашга кўмаклаша берадилар.

Биз бугун сиз, азиз совет хотин-қизларига мурожаат қилаётирмиз. Улуғ Октябрь сизларга янги турмушнинг кенг, порлоқ йўлини очиб бериб, тақдирингизни тубдан ўзгартириб юборди. Сизлар фидокорона меҳнат қилиб ва болалар тарбияси билан тинмай шуғулланиб, муштарак ишимизга ажойиб ҳисса қўшмоқдасиз.

Мамлакатимиз хотин-қизлари ўзларининг ижодий қобилиятларини ва истеъдодларини ривожлантиришларига тағин ҳам кўпроқ имконият олишлари учун Коммунистик партия, Совет давлати бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўражаклар.

Йигитлар ва қизлар, шонли совет ёшларимиз, сизларга мурожаат қилаётирмиз! Ватанимизнинг содиқ ўғил ва қизлари бўлган сизлар, ўзларингизнинг ёшлик ғайратингизни Ватанга сарфламоқдасиз, фабрикалар ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида кекса бўғин билан биргаликда фидокорона ишламоқдасиз, билимларни эгалламоқдасиз, космосни ўзлаштирмоқдасиз, ер ости бойликларини очмоқдасиз. Ватаннинг келажаги — сизларнинг қўлингизда.

Сизлар улуғ Ленин ишининг муносиб давомчилари бўлишингизга, Октябрь идеалларини мардлик билан сақлаб қолишингизга, агар лозим бўлиб қолса, қўлингизга қурол олиб, социалистик Ватан шарафини ва мустақиллигини ҳимоя қилишингизга ишонамиз.

Совет армияси ва флотининг жангчилари! Сизлар бошқа социалистик мамлакатларнинг армиялари билан бирга Октябрь ғалабаларини, социализм ғалабаларини қўриқлаб турибсиз, халқаро хавфсизликни ва ялпи тинчликни қўриқлаб турибсиз. Ҳарбий техникани ва қуролни қунт билан эгаллангиз, жанговар ва сиёсий тайёргарлигингизни такомиллаштирингиз, Совет Иттифоқи чегараларини маҳкам муҳофаза қилингиз, ҳушёрликни оширингиз, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлангиз.

Шонли Совет Қуролли Кучлари совет халқининг тинч меҳнатини мустаҳкам қўриқлаб турганлигига халқимизнинг ишончи комил.

Ўртоқ ишчилар, колхозчилар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, маданият ва фан арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчилари!

Ривожланишимизнинг эллик йиллик йўли меҳнаткаш халқ билан Коммунистик партиянинг бузилмас бирлигини кўрсатувчи энг ёрқин далилдир.

Партия халқ оммасининг кучини ўзига англатди, унда ер юзида янги, яхши дунё қуриш мумкинлигига ишонч туғдирди. Бугун биз фахрланиб шуни айтишимиз мумкинки, Коммунистик партия амалга ошириш учун кураниб келган иш — ишчилар синфининг иши бутун халқнинг иши бўлиб қолди. Совет халқи жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ҳукмрон партияси бўлган бизнинг партиямизга юксак ишонч кўрсатди. Бизнинг партиямиз бу ишончни қадрламоқда. Партиямизнинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ. Коммунистлар буюк ишимиз учун умумхалқ курашининг ҳамиша олдинги сафида борадилар, Совет кишилари бунга амин бўлишлари мумкин. Илғор назария ва энг бой сиёсий тажриба билан қуролланган партия коммунизм ғалабасига олиб борувчи тўғри йўлни очиб бермоқда.

Улуғ байрам кунларида совет халқи ўзининг чет эллардаги қардошларига самимий ташаккур сўзлари билан мурожаат қилади.

Граждан урушининг қийин чоғларида биз билан ёнма-ён турган интернационалист жангчиларнинг шижоатлари эсимизда ва буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Экономикани қайта тиклаш ва қаҳрамонона биринчи беш йилликларнинг унутилмас йилларида Ватанимиз қардошларча қўллаб-қувватланганлиги эсимизда ва буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Фашизмга қарши жангу-жадал йилларида биргаликда олиб борган курашимиз эсимизда ва буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Сиз, чет эллардаги азиз ўртоқлар ва дўстларга жаҳонда биринчи социализм мамлакатига нисбатан интернационал ҳисларингиз учун, бегараз ва фидокорлик билан берган ёрдамингиз учун қизғин миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Улуғ революциянинг иккинчи эллик йиллигига қадам қўйган совет халқи коммунизм идеяларини, Улуғ Октябрь идеяларини баланд кўтариб бормоқда. Биз социалистик қурилишда эришилган муваффақиятларга таянмоқдамиз. Биз бархаёт марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланганмиз, турмуш ҳақиқати бизнинг томонда, бизнинг битмас-туганмас кучимиз бор. Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, халқаро коммунистик ҳаракат, демократия ва миллий озодлик кучлари биз билан ёнма-ён бормоқда. Пировард мақсадимизни амалга ошириш - коммунистик жамият қуриш йўлидан боришимизни ҳеч ким ва ҳеч нима тўхтата олмайди.

Совет халқига, ҳар бир совет кишисига меҳнатда, ўқишда янги муваффақиятлар, шаҳсий ҳаётида бахт саодат, улуғ коммунистик ишимизнинг тантанаси учун олиб борилаётган курашда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революцияси!

Яшасин севикли Ватанимиз-Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин қардош социалистик мамлакатлар!

Яшасин барча революцион ва прогрессив кучларнинг империализмга қарши, демократия ва социализм учун курашдаги бирлиги!

Яшасин тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик!

Яшасин янги жамият бунёдкори бўлган улуғ совет халқи!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлигида коммунизмнинг тўла ғалабаси сари, олға!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

1967 йил 4 ноябрь.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1967 йил 4 ноябрда Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида КПСС Марказий Қомитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси давом этди.

Соат 10 да эрталабки мажлис очилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **А. Н. КОСИГИН** раислик қилади.

Тантанали мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти ўртоқ **АНТОНИН НОВОТНИЙГА** сўз берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. РАШИДОВ** Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис аҳли Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **ЯНОШ КАДАР**нинг нутқини самимий кутиб олди.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Д. А. КУНАЕВ** Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин тантанали мажлис қатнашчилари самимий кутиб олган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси ўртоқ **ТОДОР ЖИВКОВ** нутқ сўзлайди.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. П. МЖАВАНАДЗЕ** Грузия Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Италия Коммунистик партияси бош секретари ўртоқ **ЛУИЖИ ЛОНГОНИНГ** нутқини қизғин кутиб олдилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. Ю. ОХУНДОВ** Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Югославия Социалистик Федератив Республикаси президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси ўртоқ **ИОСИП БРОЗ ТИТО** нутқ сўзлади.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. Ю. СНЕЧКУС** Литва Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **НИКОЛАЕ ЧАУШЕСКУ** нутқ сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети президиумининг аъзоси **ДАНГ ЧАҢ ТХИНИ** қизғин табрикладилар. Данг Чан Тхи Вьетнам халқининг Америка империалистлари агрессиясига ҳамда уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқларига қарши олиб бораётган мардона кураши тўғрисида ҳаяжон билан нутқ сўзлади. Данг Чан Тхи Жанубий Вьетнам халқининг адолатли курашига ёрдам ва мадад бераётганликлари учун курашаётган Жанубий Вьетнам халқи номидан Совет ҳукуматига, совет халқига чуқур ташаккур билдирди.

Шундан кейин Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. И. БОДЮЛ** Молдавия Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлисда Испания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **ДОЛОРЕС ИБАРРУРИ** нутқ сўзлади. Тантанали мажлиснинг ҳамма қатнашчилари коммунистик ҳаракатнинг энг кенса арбоби, революциянинг букилмас курашчисини қизғин табрикладилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти делегацияси музика садолари остида шуҳрат билан қопланган жанговар байроқларини кўтариб шаҳдам қадам ташлаб залга кириб келади. Тантанали мажлис қатнашчилари Улуғ Октябрнинг жаҳоншумул-тарихий ғалабаларини мардона мудофаа қилаётган Ватаннинг шавкатли ҳимоячиларини гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ленин орденли Қизил Байроқли Кантемир гвардиячи танк дивизиясининг командири, танк қўшинлари генерал-майори ўртоқ **Н. И. ЛАПИГИН** Совет Армияси ва Флотининг солдатлари ва матroслари, сержантлари ва офицерлари, генераллари ва адмираллари, барча жангчилари номидан самимий табрик сўзлари билан тантанали мажлис қатнашчиларига мурожаат қилади.

Танаффусдан кейин кечқурун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси давом этди.

Латвия Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. Э. ВОСС** Латвия Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси ўртоқ **ЮМЖАГИЙН ЦЕДЕНБАЛ**нинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Т. У. УСУБАЛИЕВ** Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Корея меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Сиёсий бюро президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси президиумининг раиси ўртоқ **ЦОЙ ЕН ГЕН**нинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ж. Р. РАСУЛОВ** Тожикистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин мажлис қатнашчилари самимий кутиб олган Финляндия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **ВИЛЛЕ ПЕССИ** нутқ сўзлади.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. Е. КОЧИНЯН** Арманистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **ГЭС ХОЛЛ**нинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Б. ОВЕЗОВ** Туркманистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин мажлис қатнашчилари самимий кутиб олган Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти, Араб Социалистик иттифоқи олий ижроия комитетининг аъзоси **АЛИ САБРИЙ** нутқ сўзлади.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. Г. КЭБИН** Эстония Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Гвинея Демократик партияси миллий сиёсий бюросининг аъзоси, молия ва планлаштириш давлат министри **САЙФУЛЛАЙ ДИАЛЛО** нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Мали республикаси революцияни ҳимоя қилиш миллий комитетининг аъзоси, республика юстиция ва меҳнат министри **МАМАДУ МАДЕЙРА КЕЙТА**ни қизғин табрикладилар.

Танаффусдан кейин **КПСС** Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Л. И. БРЕЖНЕВ** раислик қилади.

Мажлис аҳли Сурия Араб Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри, Араб социалистик қайта тикланиш партияси Сурия раҳбарлигининг аъзоси **ИБРОҲИМ МАХУС**нинг нутқини самимий кутиб оладилар.

Мажлис қатнашчилари Буюк Британия Коммунистик партияси бош секретари ўртоқ **ЖОҲ ГОЛЛАН**нинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Мажлисда ҳозир бўлган кишилар самимий кутиб олган Конго (Браззавиль) миллий революцион ҳаракати партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, партия секретари, миллий реконструкция ва қишлоқ хўжалиги министри **КЛОД ДА КОСТА** нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **РОДНЕЙ АРИСМЕНДИ**нинг нутқини қизғин кутиб олдилар.

Шундан кейин мажлис аҳли самимий кутиб олган Жазоир Халқ Демократик Республикаси революцион кенгашининг аъзоси, молия ва план министри **АҲМАД КАИД** нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **МАКС РЕЙМАН**нинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси ўртоқ **ШРИПАТ АМРИТ ДАНГЕ**нинг нутқи самимий кутиб олинади.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Танзания бирлашган республикаси ҳукумати, Танганика Африка миллий иттифоқи партияси ва «Афро-Шерози» партияси (Занжибар) бирлашган делегацияларининг бошлиғи, Танзания Бирлашган Республикасининг иқтисодий масалалар, тараққиётни планлаштириш билан шуғулланувчи министри **ПОЛЬ БОМАНИ** нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети бош секретари ўртоқ **ЛУИС КОРВАЛАН**нинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Мажлис қатнашчилари самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Л. И. БРЕЖНЕВ** якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

Тантанали мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан партия гимни «Интернационал»ни ижро этадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг якунловчи нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳурматли чет эллик меҳмонлар!

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган мажлисимиз ўз ишини тугаллай деб қолди. Бу мажлис бутун партияда, бутун халқда, бутун мамлакатда ғоят баланд руҳ ҳукм сурган вазиятда ўтди. Бу ерда, шу залда совет давлатининг бутун шонли ярим асрлик тарихи яна кўз олдимиздан ўтгандек бўлди. Совет халқининг ҳозирги кундаги жўшқин ижодий ҳаётининг ёркин манзараси, ҳозирги дунёнинг мураккаб ва жўшқин манзараси ҳам кўз ўнгимизда намоён бўлди.

Тантанали мажлисимиз номига совет кишиларидан, меҳнаткашлар коллективларидан беҳисоб табрик, қутлов ва рапортлар олинди. Улуғ Ватаннинг буюк ҳаётий куч-ғайрати, қудратли меҳнат нафаси ана шу беҳисоб табрик ва рапортларда ўз ифодасини топганлигини яхши ҳис қилдик. Ўртоқлар, ана шу мактуб ва телеграммаларни юборган барча меҳнаткашларга, барча коллективларга сизнинг номингиздан самимий ташаккур изҳор қилишга ва халқ бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янги ажойиб муваффақиятлар тилашга, ҳаётда катта бахт тилашга ижозат бергайсиз!

Бу ерда, шу залда совет халқининг вакиллари, кўп миллатли Ватанимиздаги барча иттифоқдош республикаларнинг вакиллари сўзга чиқдилар. Уларнинг нутқларида мамлакатимизда социализмнинг жуда катта муваффақиятлари, туфайли, ленинча миллий сиёсат тантанаси туфайли, бутун ярим асрлик тарихимиз туфайли ифтихор туйғулари яққол сезилиб турди. Уларнинг нутқлари партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги бундан буен ҳам Улуғ Октябрь ватани қозонадиган муваффақиятларнинг унинг коммунизм сари зафарли ҳаракатининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолажагига ишонч руҳи билан суғорилган эди.

Бу ерда, шу залда қардош социалистик мамлакатлар вакилларининг садоси бутун дунёга жаранглаб эшитилди. Улар социализм кучлари эришган ажойиб ғалабалар тўғрисида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслиги ва қудратини янада мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида, умумий ишимизнинг тантанаси учун курашдаги бирлик ҳақида гапирдилар.

Биз бу ерда, шу залда чет эллардаги коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг тўлқинлантирувчи нутқларини эшитдик. Бу нутқларда улуғ идеалларимизни амалга ошириш йўлидаги курашни давом эттиришга қаратилган қатъий ирода, коммунистик ҳаракат барча отрядларининг ўз сафлари бирлигини мустаҳкамлашга интилаётганлиги ёркин ифода этилган.

Бу ерда, шу залда мустамлакачилик зулми асоратини парчалаб ташлаб, ўз миллий мустақиллиги ва озодлиги учун кураш йўлига ўтиб олган мамлакат ва халқлар вакиллари ўзларининг илҳомбахш сўзларини айтдилар.

Коммунистлар, барча совет кишилари социализм ватанининг бутун дунёда меҳнат аҳли иши учун, инсоният миллий ва социал зулмдан озод қилиш йўлидаги курашга қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берганликлари учун дўстларимиздан астойдил миннатдордирлар. Чет эллик дўстларимизнинг самимий табриклари учун, мамлакатимизга нисбатан қардошларча дўстлик туйғуларини изҳор қилганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва ҳукумати номидан бутун совет халқи номидан қизғин ташаккур айтишга ва ўз халқларининг бахти учун фидокорона олиб бораётган курашларида уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилашда ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, сизнинг сўзларингиз совет кишиларини коммунизм йўлида янги зафарларга илҳомлантиради. Ҳозирги кунда ҳаммамиз тарих томонидан партиямизга, совет халқига юкланган жуда катта жавобгарликни ҳис этмоқдамиз. Биз Улуғ байрамимиз кунида ўтмишдаги ишларнинг улуғворлиги тўғрисидагина эмас, балки келгусидаги вазифаларнинг улуғворлиги, келгусида бажаришимиз лозим бўлган ишлар тўғрисида ҳам фикр юритмоқдамиз.

Биз шу мўътабар минбарда туриб жаҳон халқларини, барча мамлакатлар меҳнаткашларини ишонтириб айтамизки, Совет Иттифоқи аввалгидек бундан буён ҳам Маркс, Энгельс, Ленининг буюк олижаноб ва ҳаққоний идеаларини амалга ошириш учун фидокорона курашаверади.

* * *

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз ўз кучлари гуллаб-яшнаган бир шароитда Совет ҳокимиятининг иккинчи эллик йиллигига шаҳдам қадам қўймоқда. Бундан 50 йил муқаддам Улуғ Октябрь социалистик революцияси тонгги отган эди. Янги дунё қуёшининг биринчи нурлари инқилобий зулм булутларини ёриб ўтган эди. Бугун биз ифтихор билан шуни айта оламизки, Октябрь нурлари бутун инсониятнинг келажакдаги йўлини ёритмоқда. Қадимий планетамиз ҳеч қачон бунчалик навқирон бўлмаган эди. 1917 йилда Россия пролетариати янги ҳаёт чироғини ёққан эди. Бу чироқ қадимий планетамизга навқиронлик бағишлади.

Бизнинг мамлакатимиз бир неча кундан кейин ўз социалистик тарихи биринчи асрининг иккинчи ярмига қадам қўяди. Совет кишилари қилинган ишларнинг ҳаммаси учун фахрланган ва янада кўпроқ иш қила олишларига ишонганлари ҳолда ана шу маррага қадам қўядилар.

Ҳозирги вақтда совет халқининг бутун кучи, унинг ижодий ғайрати коммунизм қурилишидаги янги катта вазифаларни бажаришга қаратилган. Бу вазифаларни ҳал этмоқ учун бир мақсадни кўзда тутиб, уюшқоқлик, сабот-матонат билан иш кўриш талаб этилади. Ўзининг коммунистик партияси ғеварагига маҳкам жипслашган совет кишиларида буларнинг ҳаммаси мавжуддир. Партия белгилаб берган планлар муваффақиятли суратда амалга оширилажагига шак-шубҳа йўқ. Биз комил ишонч билан Улуғ Октябрь йўлидан олга бормоқдамиз.

Октябрь йўлидан бориш — мамлакатимизнинг экономикасини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқнинг турмуш даражаси ва маданиятини юксалтириш демакдир.

Октябрь йўлидан бориш — социалистик демократияни ривожлантириш, СССР халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, кишиларни коммунизмнинг юксак принциплари руҳида сабот билан тарбиялаш, партия билан халқ бирлигини кўз қорачиғидек сақлаш демакдир.

Октябрь йўлидан бориш — халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг бирлиги учун, бутун дунёда социализм, демократия, миллий озодлик ва тинчлик иши учун изчил кураш олиб бориш демакдир.

Биз Октябрь йўлидан бориб, социализм ғалабасига эришдик!

Биз Октябрь йўлидан бориб коммунизм ғалабасига эришамиз!

Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

Коммунизм қураётган совет халқига шон-шарафлар!

Социалистик мамлакатларнинг халқларига шон-шараф!

Тинчлик, демократия, миллий озодлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларга шон-шарафлар!

Маркс — Энгельс — Ленининг енгилмас байроғи остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАМОҚДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Илгари хабар қилинганидек, Москвада Кремлнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланиб ўтказилган қўшма тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев доклад қилган эди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади зўр эътибор билан тингланди. Мажлис қатнашчилари докладчининг якунловчи сўзларини гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўринлардан туради.

* * *

Танаффусдан кейин кечки мажлис бошланади. Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг делегацияси РСФСРнинг байроғини ва КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғини кўтариб минбар ёнига келади. Республика социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги хизматлари учун Октябрь 50 йиллиги шарафига ана шу Эсдалик байроги билан мукофотланган эди.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси **Г. И. Воронов** тантанали мажлис катнашчиларини қизғин табриклайди. Г. И. Воронов республика халқ хўжалиги мавжуд ҳамда ривожланаётганлиги тўғрисида гапиради. Илгари одам қадам қўймаган тайгада гигант заводларнинг корпуслари қад кўтарди, жуда катта электр станцияларининг тўғонлари эса Сибирь дарёларининг йўлини тўсди. Шимолда, қутбнинг нариги томонида янги саноат марказлари — Воркута, Магадан, Норильск шаҳарлари қад кўтарди. Кейинги йилларда республиканинг шарқида вужудга келган Братск, Дивногорск, Мирный, Новокузнецк деган номларни ва бошқа кўп шаҳарларнинг номларини эски географик хариталардан топа олмайсиз. Тюмен ботқоқликлари, Томскери ва Россиянинг илгари ташлаб қўйилган бошқа кўп районларининг киёфаси ўзгармоқда. Уруш натижасида рўй берган кийинчиликлар ва вайронгарчиликларга қарамай, республика саноат маҳсулотининг ҳажми 67 баравар ортди.

Ўтган йили РСФСРда 100 миллион тоннага яқин дон етиштирилган эди. Ҳозирги юбилей йилида ҳам тахминан шунча дон олинди. Республикадаги колхоз ва совхозлар галла тайёрлаш планини бажариб, давлатга 2 миллиард 100 миллион пуд дон сотдилар. Қанд лавлаги, картошка ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳаммасини тайёрлаш йиллик планлари байрамгача оширилиб бажарилди.

Россия Федерациясининг муваффақиятлари Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг муваффақиятлари билан чамбарчас боғланган. Бунга сабаб шуки, рус халқи СССРдаги бошқа халқларга ёрдам бергани ҳолда улардан ҳам бебаҳо ёрдам ва мадад олиб келди ва олиб келмоқда. Бу эса халқларнинг қардошларча дўстлиги, амалдаги социалистик интернационализм демакдир. Социалистик интернационализм мамлакатимизни ленинча мустаҳкам қалъага айлантирди.

XX асрнинг биринчи ярми, деб сўзини тамомлайди нотиқ, жаҳон тарихига Ленин байроғи остида марксизм-ленинизм байроғи остида кирганлиги эндиликда ҳаммага аёндир. Ҳеч шубҳа йўққи, улуғ асримизнинг иккинчи ярми, меҳнаткаш халқнинг кураш ва ғалабалари асри, коммунизм асрининг иккинчи ярмида ҳам тараққиёт ана шу ғолибона байроқ остида боради!

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Владислав Гомулка** Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси ҳукумати номидан Советлар мамлакати халқларига самимий табрик ва қардошлик саломини топширди.

Поляк халқининг, деди у, инсоният тарихида янги давр очган Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллигини ўз байрами, деб нишонлаши учун алоҳида важлари бор. Совет ҳокимияти Польшанинг бўлиниб кетишига чек қўйди ва 1918 йилда унинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши учун йўл очиб берди. Совет Иттифоқи шундан чорак аср ўтгач поляк халқини гитлерчи босқинчилардан озод қилди, Польшанинг Одер, Нейса ва Балтика бўйлаб ўтган янги ҳаққоний чегаралар доирасида тикланишига ёрдам берди.

Нотиқ социализм идеяси ўз табиати эътибори билан интернационал ва умумбашарий идея эканлигини айтиб, қуйидагиларни таъкидлади. Совет Иттифоқи 50 йил ичида ўзининг бутун ижтимоий муваффақиятлари билан, моддий ва маънавий қудрати билан, ўзининг бутун сиёсати билан социализмнинг жаҳон миқёсида ғалаба қозонишни ишига, халқлар озодлиги ишига, тинчлик ишига хизмат қилиб келди ва ҳизмат қилмоқда.

Инсоният социалистик тузумдагина замонамизнинг асосий проблемаларини ҳал этиш йўлларини топа олишига ишонганимиз ҳолда, янги социалистик даврнинг иккинчи эллик йиллигига қадам қўймоқдамиз. Бизнинг ана шу чуқур ишончимиз тарих тасдиқидан ўтди.

Экономика, фан ва техника соҳасида икки ижтимоий системанинг мусобақаси тарихий миқёсда социализмнинг капитализм устидан ғалаба қилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқининг 50 йил давомида эришган муваффақиятлари якунлари социализм планли хўжалигининг афзаллигини кўрсатувчи ёркин далилдир. Ўртоқ Брежнев ўз докладида ана шу якунларни жуда аниқ гапириб ўтди.

Интернационализм идеялари янги даврда барча коммунистик партиялар сиёсатининг йўлчи юлдузи бўлиб қолаверсин, дейди сўзининг охирида Владислав Гомулка, бу идеялар мидлатчилик эътиқодларидан устидан тантана қилаверсин. Бизнинг кучларимиз ана шу идеялар байроғи остида империализмга, реакция ва урушга қарши курашнинг, ягона, умуминсоний фронтида жипслашаверсинлар!

Украина ССР делегацияси минбар ёнига келади. Украина номидан гапириш учун Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **П. Е. Шелест**га сўз берилади.

Бизнинг партиямиз, деди у, босиб ўтилган кураш ва ғалабалар кахрамонона йўлини вазминлик билан, дадил анализ қилмоқда коммунистик ижодий ташаббусларни ишга солмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мажлисимизда қилган мазмунли, ёркин, илҳомбахш доклади ана шу руҳ билан суғорилган.

Улуғ Октябрь байроғи, деб давом этади нотиқ, ер устида доим порлаб туради. Партиямиз олдида, халқимиз олдида касамёд қилиб айтамизки, Украина коммунистлари, украин халқи Октябрнинг улуғ байрамига, Ленин байроғига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар.

Украин халқи рус халқи билан ва бошқа қардош халқлар билан биргаликда Октябрь ғалабаси учун курашганлиги ва рус халқидан кейин биринчи бўлиб Совет ҳокимиятини ўрнатганлиги туфайли фахрланади. Украин халқи мамлакатимиздаги қардош халқларнинг қудратли оиласида ўз давлатига эга бўлди ва ўз ерларини ягона украин Совет давлатида бирлаштирди.

Украинада ярим аср мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 47 баравар ўсди. Эндиликда бутун-иттифоқда қазиб чиқарилаётган тошкўмирнинг учдан бир қисми, темир рудасининг ярмидан кўпроғи, чўяннинг ярми, пўлат ва прокатнинг қирқ процентидан кўпроғи, тракторларнинг учдан бир қисми Украина ҳиссасига тўғри келади.

Байрам олди кунларида республикада янги корхоналар, янги комплекслар, агрегатлар ишга туширилди. Кривой Рогда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги номидаги домна печи ишга туширилди. У жаҳондаги энг йирик домна печидир. Янги домна йилига бир миллион 700 минг тонна чўян тайёрлаб беради. Бу — Чор Россиясида чиқарилган бутун чўяннинг ярмини ташкил этади.

Партиянинг бош йўлини оғишмай амалга ошириш, халқнинг коммунизм қуриш йўлидаги фидокорона меҳнати туфайли қозирги кунда Украинанинг шон-шуҳратини оширган ҳамма нарсаларни қўлга киритиш мумкин бўлди.

Кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас бирлиги, дейди нотиқ сўзининг охирида, хаёт қонуни бўлиб қолди. Бу — Октябрнинг буюк ютуғидир. Украин халқи халқлар дўстлигини кўз қорачиғидай сақлаб келди ва бундан буён ҳам сақлаб беради. Халқларимизнинг дўстлиги ҳам ҳамиша чашма сувидек мусаффо, олмосдек мустаҳкам, қуёшдек чароғон ва ҳароратли, оламдек мангу бўлсин!

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси **Вальтер Ульбрихт** айтдики, ўртоқ Л. И. Брежневнинг илҳомлантирувчи докладида коммунистик жамият қурилишида Совет Иттифоқи эришган улкан муваффақиятлар ва янги вазифалар баён этилган. Ульбрихт В. И. Ленин билан учрашганларини, Лениннинг чет эл коммунистларига мурожаат қилиб, уларни революцион иш ни ташкил этиш ва ишнинг қурилиши методи ва мазмунини ўрганингиз, рус тажрибасининг бир қисмини ўзлаштириб олинг, деган даъватини ҳаяжон билан эсга олади.

Совет Армияси Улуғ Ватан урушида беҳисоб қурбонлар бериб, гитлерчилар фашизми устидан ғалаба қилганидан кейингина янги, антиимпериалистик Германияни вужудга келтириш учун йўл очилди. Мамлакатни демократик ва социалистик асосда қайта қуриш кўпданқо тарихий зарурат бўлиб қолган эди.

Ғарб давлатлари тарихан муқаррар бўлган ана шу процесснинг олдини олишга уриниб, немис-монополистик капитализми ва милитаризми ҳукмронлигини қайтадан тиклаш базаси сифатида сепарат ғарбий герман давлатини вужудга келтирдилар. Германия Демократик Республикасининг вазифаси, деб таъкидлади Вальтер Ульбрихт, Ғарбий Германия милитаристлари ва реваншчиларининг янги урушни Германия территориясидан бошлаб юборишларига йўл қўймасликдан иборат.

Биз, дейди нотиқ сўзининг охирида, Германия Демократик Республикасининг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социализм мамлакатлари билан дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун кучларимизни аямаймиз, бутун куч ва қобилиятимизни социализм қурилишини тугаллаш ишига сарф қиламиз, деб таъкидлади суратда ваъда беромиз!

Раислик қилувчи, Белоруссия Совет Социалистик Республикаси номидан гапириши учун Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **П. М. Машерова** сўз берилади, деб эълон қилади.

Эллик йил — инсоният тарихида унча катта муддат эмас, дейди у, бироқ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ёркин мазмундор ва таъсирчан қилиб гапирилган совет 50 йили бизнинг мамлакатимизнигина эмас, бутун дунёни ҳам ўзгартириб юборди.

Белоруссия деб давом этади нотиқ, Совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг юксак даражасига эришди. Оғир ва даҳшатли уруш йилларида республика жуда қаттиқ вайрон қилинганлиги ва қурбонлар берганига қарамай, бунга эришилди!

Совет мамлакатининг ҳамма ерларидаги каби белорус ерларида ҳам жуда катта моддий ва маданий бойликлар вужудга келтирилди ва вужудга келтирилмоқда.

Аммо совет киши—юксак орзулар ва илҳомбахш бунёдкорлик меҳнати кишиси, ғоят мард ва саботли киши, юксак ғояли ҳамда коммунизмга фидокорона содиқ бўлган киши бизнинг энг қимматли, бебаҳо бойлигимиз, бизнинг ифтихоримиз ва шон-шуҳратимиз дир. Ленин партияси тарбиялаб ўстирган совет кишиси партия етакчилигида биринчи кашфиётчи бўлиш каби оғир, лекин шонли йўлни босиб ўтди. Кураш ва меҳнатнинг оғир шароитлари ҳам, вақтинча бўлган муваффақиятсизликлар алами ҳам, ҳуллас ҳеч нарса совет кишисининг партия раҳбарлигидаги ана шу ғолибона юришидан тўхтата олмади!

Мамлакатимиз эришган жаҳоншумул тарихий ғалабаларда коммунистлар партиясининг, бутун совет халқининг улуғворлигини, марксча, ленинча идеологиянинг, Октябрь идеяларининг қудратли, ҳамиша ғолиб кучини кўриб турибмиз.

Улуғ Октябрнинг ғалабалари ҳақиқатан ҳам буюкдир. Совет давлатининг буюк сиёсий, иқтисодий ва маънавий потенциалида ўз ифодасини топган бу ғалабалар коммунистик қурилишнинг янги улкан вазифаларини амалга ошириш учун мустаҳкам асос бўлади.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ле Зуан** минбарга чиққанида, залда гулдурос қарсаклар бошланади. Мажлис аҳли ўрнидан туриб, Вьетнам халқининг вакилини табриклайди ва қаҳрамон Вьетнам халқининг АҚШ империалистик агрессиясига қарши олиб бораётган кураши билан астойдил бирдам эканлигини изҳор қилади.

— Империализмнинг емирилиши ва социализмнинг тантанаси, — дейди Ле Зуан,—давримизнинг яъни бутун жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш даврининг тарихий зарурияти ва реаллиги бўлиб қолмоқда. Россиядаги Октябрь революцияси ана шу даврни бошлаб берган эди. Октябрь революциясининг ғалабаси Вьетнам халқининг ҳам озодлик йўлини топиб олишга ёрдам берди.

Империализмнинг муқаррар ҳалокати хавфи борлигини кўриб турган Америка империалистлари халқаро жандарм ролини ўз зиммаларига олдилар. Аммо империалистлар ўзлари ҳоҳлаган ишларни қила оладиган вақтлар бутун лай ўтиб кетди. Вьетнам халқи АҚШ империалистик агрессорлари устидан тўла ғалаба қозонмоқ учун барча имкониятларга эгадир бунинг учун унинг тажрибаси бор. Вьетнам халқи бунга қатъий қарор бергандир.

Совет Иттифоқининг ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг, жаҳондаги барча халқларнинг ёрдами, Вьетнам халқининг ғалабаси учун муҳим омилдир. Катта ва қимматли ёрдам ҳамда мадад бераётганликлари учун, дейди Ле Зуан, партиямиз номидан, Миллат мажлиси, Вьетнам ҳукумати ва халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Олий Советга, Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқига миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Октябрь революцияси инсониятга очиб берган шонли йўл янги порлоқ ғалабаларга олиб боради. Жаҳондаги революцион практика марксизм-ленинизмнинг енгилмас кучини кун сайин яққол тасдиқлаб бермоқда!

Франция Коммунистик партиясининг бош секретари **Вальдек Роше** ўз нутқида қуйидагиларни айтади:

— Октябрь революцияси ҳозирги замон тарихида қатъий бурилиш ясади. Француз халқи Октябрь ўғил ва қизларининг фашист вахшийларга қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги туфайли озодлик ва мустақилликка эришганлигини ҳеч қачон унутмайди. 1917 йил октябрида ва 1945 йилнинг май ойида эришилган ғалабалар туфайли ҳозир империализм жаҳоннинг тақдирини белгилашдан ожиз бўлиб қолди. Империализм Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг куч-қудрати билан, халқларнинг миллий озодлик йўлидаги буюк ҳаракати билан, ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат билан, тинчлик кучларининг уюшган ҳаракатлари билан ҳисоблашишга мажбурдир.

Совет Иттифоқи ва унинг Коммунистик партияси ҳозирги кунда Америка империалистларининг жиноий агрессиясига қарши курашда қаҳрамон Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам бериб, ўзларининг интернационализмини яна исбот қилмоқдалар.

Империалистлар халқаро коммунистик ҳаракат ва антиимпериалистик кучлар орасига нифоқ солишга умид боғламоқдалар. Шу сабабли бутун дунёда антиимпериалистик кучларнинг бирлигини ва аввало, коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳаракат бирлигини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Франция Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашига тайёргарлик кўриш ва бу кенгашни чақириш тарафдоридир.

Яшасин коммунизм! — деб хитоб қилади Вальдек Роше.

Съездлар саройининг залига ҳамма эшиклардан пионер отрядлари кириб келишади. Улар ўзларининг байрам формаларини ва кекса авлодларнинг революцион традицияларига садоқатни ифодаловчи қизил будёновкаларини кийиб олишган. Мажлислар залида шоду-хуррамлик ҳукм суради.

Мана улар, Совет давлати аҳолисининг имтиёзли қисми. Совет халқи ўз ихтиёридаги энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга бағишлайди. Йиллар ўтар ва ҳозирги болалар ўз ота-боболари ва оналаридан Улуғ Октябрь эстафетасини қабул қилиб олиб, уни коммунизм байроғи остида шараф билан олга кўтариб борадилар.

Болалар мажлис президиумига рапорт топширадилар.

Болалар мажлис қатнашчиларига гулдасталар тақдим этишади ва пионер марши садолари остида залдан чиқиб кетишади. Залда гулдурос қарсаклар янграйди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси 4 ноябрь эрталаб ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлигини жуда яққол намойиш қилди, мамлакатимиз халқлари билан социалистик мамлакатлар халқларининг дўстлиги ва қардошлигини исбот қилган янги далил бўлди.

Кремлдаги Съездлар саройида мажлис қатнашчилари ва чет эллик меҳмонларимизнинг ҳаяжонли нутқлари жаранглаб эшитилди. Улар совет халқининг буюк зафарларидан қувонч ва ифтихор туйғуларини, прогрессив инсониятнинг Октябрь ватанига муҳаббати ва самимий ҳурматини изҳор қилдилар.

КПСС Марказий Комитети аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, энг кекса коммунистлар, революция ва граждан уруши ветеранлари, Москва шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари, марказий ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари, Совет Армияси ва Флоти жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрамида қатнашиш учун мамлакатимизга келган чет эл меҳмонлари 4 ноябрда яна Кремлдаги Сарой залига тўпланишди.

Самимий қутиб олинган **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий. И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцов** ўртоқлар мажлис президиумидан жой олдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари ва раис ўринбосарлари, РСФСР Олий Советининг раиси ва унинг ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси, партия ветеранлари. Октябрь революцияси ва граждан урушининг актив қатнашчилари, чет эл делегацияларининг раҳбарлари ҳам президиумдан жой олдилар.

Раислик қилувчи **А. Н. Косигин** Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти **Антонин Новотний**га сўз беради.

У, совет халқига қардошларча салом топширганида, унинг гаплари мажлис қатнашчиларининг қалбларида кучли таассурот қолдирди. Антонин Новотний Чехословакия халқи бундан ярим аср илгари ленинчи большевиклар партиясининг раҳбарлигида озодлик йўлидаги курашга отланган ва бу курашни ғалаба билан туғаллаган Россиядаги юз мингларча ишчи ва деҳқонларнинг жасоратини зўр шодлик туйғулари билан эсга олаётганлиги тўғрисида гапиради.

— Бутун дунёдаги революцион кучлар,—дейди нотиқ,—Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини ўз ғалабаси деб кутиб олдилар. Бу революция уларнинг ўша даврдаги мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартириш имкониятларига бўлган умид ва ишончларини мустаҳкамлади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қанча мамлакатларда, шу жумладан Чехословакияда ҳам кучайиб кетган социалистик революция Совет Иттифоқининг қўллаб-қувватлаши туфайли амалга ошди.

Биз миллионларча совет кишиларининг қаҳрамонлиги ва берган қурбонлари бизнинг мамлакатимиз халқлари учун ҳам озодлик берганлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз. Немис фашизми мамлакатимиз халқларини батамом қириб ташлаш хавфини туғдирган эди.

1917 йилнинг шонли октябрь кунларидан буён ўтган эллик йил интернационал идеяларнинг ва пролетар бирдамлигининг мустаҳкамлигига жиддий синов бўлди. Халқаро коммунистик ҳаракат бу синовга шараф билан бардош берди. Бирлик деб таъкидлади Антонин Новотний, бизнинг энг катта кучимиздир. Келгуси йилларда Совет Иттифоқида коммунизм янгидан-янги ғалабаларга эришади, ҳозирги кунда ишчилар синфи ҳокимият тепасида турган мамлакатларда, шунингдек ижтимоий тараққиёт ўзи учун қатъий йўл очиб бераётган мамлакатларда социализм янги ғалабаларини қўлга киритади. Биз бунга аминмиз.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг делегацияси бутун залнинг қарсаклари остида Ўзбекистон байроғини саҳнага олиб чиқади. Республика Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** минбарга чиқиб қуйидагиларни айтади:

—Биз ҳаммамиз Леонид Ильич Брежневнинг ёркин ва бой мазмунли докладидан чуқур таассурот олдик. Бу доклад кишиларнинг энг азиз туйғулари ва фикрларига дахлдор бўлган завқлантирувчи ҳужжатдир.

Октябрь ватани, Ленин ватани, жаҳонда биринчи марта ғалаба қилган социализм мамлакати — Совет Иттифоқи мазлум халқлар учун, озодлик ва бахт йўлида курашаётган кишиларнинг ҳаммаси учун умид ва машъал бўлиб қолганлиги ҳаммамизни астойдил қувонтиради. Ватанимизнинг бепоён ерларида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларни Россиянинг собиқ чекка ўлкаларида — чоризмнинг мустамлакаси бўлган ўлкаларда жуда яққол кўриш мумкин.

Улуғ Октябрь тонги ўзбекларнинг ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг уйига бахт-саодат келтирди Ўзбекистон халқлари жонажон партияга, Совет ҳокимиятига чуқур миннатдорчилик изҳор қилиб, бугун ўзларининг энг азиз нарсаларини — илҳомбахш меҳнат самараларини, ҳушбўй гулларни, жануб қуёшининг иссиқ нурлари ва тонг қувончини, энг ёқимли ашулаларни ва очиқ табассумини чексиз муҳаббат оловини ва ўз қалбини ўз Ватанининг байрам «дастурхони»га қўймоқда.

Сўнгра нотиқ республика меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида гапиради. Ўзбекистон ишчилар синфи саноат ишлаб чиқаришнинг ўн ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида илгари ҳеч қачон кўрилмаган кўп миқдорда маҳсулот бердилар.

Ленин партияси—бизнинг дарғачимиз, доно йўлбошчимиз, заковатли меъморимиздир. Партия — совет халқининг шон-шарафи, унинг виждони ва қалбидир. Партичиғ халқ манфаатларидан бошқа ҳеч қандай манфаатлари йўқ. Партиянинг сўзи халқнинг сўзидир. Партиянинг иши халқнинг ишидир. Партия билан совет халқи чамбарчас бирлашгандир. Бу бирлик бузилмас бирликдир!

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Янош Кадар** венгер халқи номидан гапириб, совет халқига бахт-саодат, осойишталик ва янги катта муваффақиятлар тилади.

— Бизнинг халқимиз, — деди у,—СССРни ўзининг чин дўсти ва улуғ иттифоқчиси деб билади. Венгер-Совет дўстлиги халқларимиз энг яхши фарзандларининг социализм учун биргаликда олиб борган курашида вужудга келди ва мустаҳкамланди. Бу дўстлик идеяларимизнинг манфаатларимизнинг, мақсадларимизнинг бирлигига асосланади ва абадий яшайди.

Сўнгра нотиқ коммунистларнинг фахрли тарихий вазифаси тўғрисида гапиради. Бу вазифа — антиимпериалистик озодлик курашига, тинчлик, социал тараққиёт учун, кишиларнинг бахт-саодати учун олиб борилаётган курашга бошчилик қилишдан, бу курашни барча прогрессив кучлар билан маҳкам бирлашиб олиб боришдан иборат. Бу вазифа аввало социалистик мамлакатлар ва халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини янада мустаҳкамлашни талаб қилади.

Совет Иттифоқи социализм ва коммунизм қурилиши учун шараф билан йўл очиб берди ва ўзининг интернационал бурчини ҳамиша жуда яхши бажариб келди Совет Иттифоқи ҳозирги кунда ҳам социалистик мамлакатларнинг халқларигагина эмас, балки барча прогрессив кучларга ҳам, империализмга қарши кураш олиб бораётган барча халқларга ҳам ҳамадан олдин энг кўп ёрдам кўрсатмоқда. Совет байроги, деб сўзини тамом қилади Янош Кадар, Октябрь революциясининг 50 йиллигида ҳар қачонгидан кўра баланд кўтарилиб, бутун инсониятга порлоқ истиқбол йўлини кўрсатиб бермоқда.

— Советлар мамлакати коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг энг кўп вакиллари қатнашаётган бу форумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Брежнев қилган чуқур мазмунли доклад,—дейди Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Д. А. Кунаев**, — Ленин идеяларининг тантанаси учун олиб борилган буюк курашимизнинг якунларини чуқур илмий асосда ёркин ифода этди.

(Давоми 4-бетда).

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАМОҚДА

(Боши 3-бетда).

Нотиқ яна айтадики, бизнинг халқимиз асрлар бўйи жаҳолатда қолиб, муҳтожлик ва ҳуқуқсизликнинг оғир машаққатларини бошдан кечирган эди. Аммо бахт қозоқларнинг қадимий ерига ҳам кулиб боқди. Октябрь ғалабасидан кейин қозоқлар буюк ижтимоий ўзгаришлар йўлига ўтдилар ва капиталистик тараққиётнинг уқубатли босқичини четлаб, оғир жабр ҳукмронлигидан озодлик, нур ва бунёдкорлик ҳукмронлигига тез ўтиб олдилар. Тянь-Шаннинг баланд чўққиларидан назар солганингизда кўз илғамас олис йўллар намоён бўлганидек, ҳозир Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги чўққиларидан социалистик Қозоғистон манзараларини яққол кўриш мумкин.

Бир вақтлар кўчманчиларнинг ўтовлари ғариб бир манзарани касб этган жойларда индустриал гигантларнинг корпуслари қад кўтарди. Илгари дағал хашаклар ўсаётган ерларда неча ўн миллион гектарлаб ғаллазорлар пайдо бўлди. Илгари бўм-бўш даштлардаги карвон йўллари ўрнига пўлат магистраллар қурилди, янги шаҳарлар қад кўтарди, улкан электр станцияларининг чироқлари ёнди.

Қозоқ халқи ленинча миллий сиёсат туфайли ўзининг барча муваффақиятларга эришганлигини яхши билади. Коммунистик партиямиз эллик йил мобайнида бу сиёсатни оғишмай амалга ошириб келди. Қозоқлар бузилмас, мустаҳкам дўстлик туфайли ва мамлакатимиздаги барча халқларнинг, аввало улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли озод ва бахтиёр бўлдилар.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси **Тодор Живков** қуйидагиларни айтади:

—Жаҳон тарихида инсоният бахт-саодати учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқи каби жуда кўп иш қилган бошқа бирон партия, бошқа бирон халқ йўқ эканлигини ўтган ярим аср шак-шубҳасиз исбот қилди.

«Рус қардошларимиздан ўрнак олайлик!» деган шиор 1918 йил куз фаслида Владай солдат қўзғолонининг шиори бўлган эди. Болгария тупроғида 1923 йил сентябрь ойида ана шу шиор остида фашизмга қарши халқ қўзғолони кучайиб кетди. Партия ва халқнинг Болгарияда социалистик революция ғалабаси учун кўп йиллар мобайнида олиб борган кураши 1944 йил тўққизинчи сентябрда ана шу шиорнинг рўёбга чиқарилиши билан тугалланди.

Бизнинг партиямиз, деб сўзини давом эттиради нотиқ, Совет Иттифоқи билан дўстлик, Варшава шартномаси мамлакатлари ва жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг жипслиги, коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда миллий озодлик ҳаракатининг бирлиги замонамизнинг империализмни жиловлаб қўяоладиган ва жаҳонни янгилаш процессининг ғолибона боришини таъминлай оладиган буюк кучи, деб билади.

Болгария Коммунистик партияси Мао Цзэ-дун группасининг буюк давлатчилик ва авантюристик йўлини кескин қоралайди. Бу группа жаҳон пролетариатининг туб манфаатларига очиқдан-очиқ қарши чиқмоқда ва Хитой халқининг социалистик ғалабаларини хавф остида қолдирмоқда. Нотиқ коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашини чақириш кераклигини айтди.

Тодор Живков нутқининг охирида залнинг қарсаклари остида бундай деди:

— Азиз дўстларимиз ва қардошларимиз, сизлар билан бир ёқадан бош чиқариб ёнма-ён туриб, яшаётганлигимиз ҳамда янги дунёни барпо этиш учун, коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашаётганлигимиз билан бахтиёрмиз ва мағрурмиз.

Совет Грузиясига сўз берилади. Бугун,— дейди республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. П. Мжаванадзе** мажлис минбарига чиқиб, — ҳар биримизнинг қалбимиз беҳад чоғ, ҳаммамиз шодҳуррамиз. Ҳозирги унутилмас кунларда Кремлдаги Съездлар саройининг улуғвор залида иттифоқдош республикаларнинг байроқлари бирин-кетин кўтарилаётганлиги символик бир ҳолдир. Ана шу тантанали маросим совет халқлари монолит бирлиги, бузилмас дўстлиги ва чинакам қардошлигининг янги, ёрқин намойишига айланмоқда. Бугун биз социалистик давлатимиз куч ва қудратининг негизи бўлган ана шу дўстлик ва қардошликни янада кўпроқ мустаҳкамлаймиз, деб қасамёд қиламиз.

Грузия,—деб сўзини давом эттиради нотиқ,—порлоқ ва қувончли Октябрь байрамини ўз ижодий кучлари гуллаб-яшнаган бир пайтда кутиб олмоқда. Биз хўжалик ва маданий қурилишдаги барча муваффақиятларга КПСС ленинчи Марказий Комитетининг раҳбарлигида эришдик.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида эллик йилни марксча-ленинча чуқур таҳлил этди. Бу йиллар совет кишиларининг қаҳрамонона кураш ва фидокорона меҳнати йиллари бўлди.

Бу йилларда жуда катта қийинчилик, муҳтожлик ва машаққатлар бошдан кечирилган бўлса ҳам, совет халқи уларни бартараф қилди. Бу йиллар умумхалқ шодлиги, коммунистик идеаллар тантанаси йиллари бўлди, коммунизм қурувчилар — меҳнатда мислсиз жасорат, зўр мардлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатган, жуда катта ирода кучи ва чуқур ғоявий эътиқодга эга бўлган кишилар қўлга киритган буюк тарихий ғалабалар йиллари бўлди.

Севикли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Улуғ Октябрь ватани яшасин ва яшнасин!

— Совет Иттифоқининг эллик йиллиги,— деди Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари **Луижи Лонго**, — социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан афзаллигини жуда яққол намойиш қилди, мамлакатнинг ҳаётига раҳбарлик қилаётган ишчилар синфи қандай чексиз имкониятларга эга эканлигини, социалистик жамият қандай буюк куч-ғайратни вужудга келтириб, сафарбар қила олажагини ва мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини қандай юксак даражага кўтара олажагини кўрсатди.

Социалистик жамият кишиси мазлум ва эзилган киши эмас; у капиталистик жамият учун характерли бўлган ташвишлар ва расмлардан ҳалос қилинган. Совет кишиси — келажак кишисининг, техника ва фан революцияси, биология, химия, кибернетика, автоматика ва электрониканинг тез ривожланиб бориши очиб берадиган истиқболлар келажаги кишисининг тимсолидир, ҳозирги кунда ана шу истиқболларни биз ғира-шира тасаввур қила оламиз, холос.

Ҳозир ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқлар, деб сўзини давом эттиради нотиқ, Қўшма Штатлар ўзларининг душмани эканлигини, Совет Иттифоқи билан социалистик мамлакатлар эса, ўзларининг дўстлари эканликларини биладилар. Бу эса, Совет Иттифоқининг пролетар интернационализми буюк принципларига ҳамиша содиқ бўлиб келаётганлиги эътироф қилинганлигининг ифодасидир.

Барча ишчи ва коммунистик партияларнинг курашдаги бирлиги, барча прогрессив ва антиимпериалистик кучларнинг курашдаги бирлиги ҳозир империализмни барча мамлакатлардан ва барча соҳалардан суриб чиқаришнинг, уни мағлубиятга учратишнинг шартидир, деб таъкидлади Луижи Лонго.

Нотиқ Ленин ишининг содиқ давомчиси — КПСС шарафига, Совет Иттифоқи шарафига табрик сўзлари айтади.

— Ушбу мажлисда қатнашиш улуғ шараф, ўз халқинг номидан гапириш улуғ шараф ва масъулиятли ишдир. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. Ю. Охундов** ўз нутқини шу сўзлар билан бошлади. — Л. И. Брежнев докладини тинглаб биз Владимир Ильич Ленин ва большевистик партия раҳбарлигида совет халқи 1917 йил октябрида қилган ишнинг улуғворлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Йиллар ва асрлар ўтар, бизнинг ўрнимизни набиралар ва абиралар олар, уларнинг ўрнига яна бошқа авлодлар келар, лекин Октябрь революцияси куни ҳамиша уларнинг энг порлоқ, энг мўътабар байрами бўлиб қолаверади. Ленин даҳоси ёритиб турган Октябрь ғоялари инсониятнинг келажагига қаратилган, Инсониянг озодлик ва бахт-саодат тўғрисидаги азалий орзуси сўнмагани каби, Октябрь ғоялари ҳам абадий сўнмайди.

Озарбайжон меҳнаткашлари Октябрь ғалабасидан сўнг орада олти кун ўтгач Боку пролетарлари Совет ҳокимиятининг ишчилар ва деҳқонлар ҳокимиятининг қизил байроғини баланд кўтарганликларидан Озарбайжон меҳнаткашлари фахрланадилар. 26 Боку комиссари ўзларининг қаҳрамонона ҳаёти ва ўлими билан халқларимиз қардошлигига, пролетар интернационализмга ўлмас ҳайкал қуриб кетишди, уларнинг хотираси муқаддас сақланмоқда.

Тарихнинг ўзи совет халқи зиммасига буюк халоскорлик вазифасини юклаганлиги билан фахрланамиз, дейди пировардида нотиқ. Бутун дунёга шуни айтамизки, буюк пролетар саркардаси Ленин армиясининг муносиб курашчилари бўлишдан ортиқ бахтни билмаймиз.

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси **Иосип Броз Тито** ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлайди:

— Октябрнинг руҳи ва Лениннинг доҳиёна таълимоти инсон ҳуқуқлари учун, адолатли ижтимоий муносабатлар учун, озодлик ва мустақиллик учун курашда миллион-миллион мазлумлар ва эзилганларнинг Йўлчи юлдузи бўлиб қолмоқда.

Бутун тараққийпарвар дунё, дейди у, Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар билан фахрланади. Совет кишилари социалистик тараққиёт туфайли нақадар улкан натижаларга эришганлиги эндиликда бутун дунёга маълум. Совет Иттифоқи нисбатан қисқа тарихий муддат ичида энг қудратли ва энг ривожланган саноат мамлакатларидан бири бўлиб қолди. Совет Иттифоқининг ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришдаги, саноат, фан ва маданиятдаги улуғвор муваффақиятлари ҳозирги замонда инсоният тараққиёти ишига ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ коинот ичкарисига кириб бориш имконини бераётган фан ва техника соҳасидаги муваффақиятлар ана шундан далолат бериб турибди. Совет олимларининг даҳоси Венера планетасига ҳам йўл очди, бутун дунё бунга қойил бўлмоқда ва фахрланмоқда.

Улуғ Октябрь нидоси, деб сўзини давом эттирди нотиқ, ҳозир ҳам бутун дунёда акс садо бериб мустамлакачиликка қарши қудратли революциялардан, миллий озодлик ва антиимпериалистик прогрессив ҳаракатларнинг юксалаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Империализм бу революцион тўлқинни тўхтатиб қўйишга уринмоқда, лекин у ёш совет давлатини мажақлаб ташлашга уриниб, қандай мағлубиятга учраган бўлса, эндиликда ҳам шундай мағлубиятга учраши лозим. Американинг Вьетнамдаги агрессияси ҳам, Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси ҳам мағлубиятга учрашига аминмиз!

Пировардида Иосип Броз Тито совет кишиларига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига социалистик Югославия меҳнаткашларининг энг яхши тилакларини топширди.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Ю. Снечкус** мажлисда сўзга чиқиб, Владимир Ильич номини тўлқинланиб тилга олади. Ленинча миллий сиёсат, дейди у, муштарак мақсадга эришиш йўлида барча миллат меҳнаткашларининг бирлигини таъминламоқда, барча совет халқларининг дўстлигини мустаҳкамламоқда. Бу — Октябрь революциясининг, Коммунистик партиянинг, унинг марксча-ленинча идеологиясининг улуғвор ғалабасидир. Бу — кучимиз ва енгилмаслигимизнинг битмас-туганмас манбаидир. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг сўнмас ғоялари руҳида тарбияланган Литва коммунистлари ва барча меҳнаткашлари халқларимиз дўстлигини ҳамиша муқаддас билиб сақлаб келдилар, бундан буён ҳам муқаддас билиб сақлайдилар ва ҳар томонлама мустаҳкамлайдилар. Ҳеч қандай душманлар ва уларнинг гумашталари Литва халқини бу йўлдан тойдира олмайди.

Бугун биз совет тузумини мустаҳкамлашда Литва халқига ёрдам берган, Улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларидаги курашда, немис-фашист босқини жароҳатларини тузатиб олишда, социализм қуришда ёрдам берган барча қардош халқларга Литва халқининг чуқур миннатдорчилигини изҳор қиламиз. Эски дунёни қайта қуриш йўлига биринчи бўлиб кирган, Совет Социалистик Ватанимизни ҳимоя қилишнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган буюк рус халқига алоҳида миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Республикамиз меҳнаткашлари беш йиллик планнинг дастлабки йиллари топшириқларини муваффақиятли уддаладилар, юбилей йилида олган мажбуриятларини асосан бажардилар. Улар бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг иқтисодий ва ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлашга, коммунистик жамият қуришга муносиб ҳисса қўшадилар.

— Румин халқи совет кишиларининг коммунизм қурилишидаги буюк муваффақиятларига чин кўнгилдан қувонади,— деди Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари **Николае Чаушеску** ўзининг табрик нутқида. — Бу муваффақиятлар жаҳон социалистик системаси мустаҳкамланишининг, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни ҳимоя қилиш, бутун дунёда социализм ғоялари таъсирини кучайтиришдан иборат олижаноб иш учун курашнинг ғоят муҳим омилидир.

Румин ва совет коммунистлари ўртасидаги, иккала мамлакатимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва интернационал бирдамлик туйғуларини ушбу байрамона вазиятда яна бир бор таъкидлаб ўтиш бизга айниқса ҳузур бахш этади. Биз шунга қатъий аминмизки, Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги, Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги дўстлик ва ўртоқларча бирдамлик муносабатлари бундан буён ҳам тинмай ривожланаберади.

Халқаро воқеалар, аввало Қўшма Штатлар Вьетнамда олиб бораётган агрессив уруш, деб таъкидлади Н. Чаушеску, империализм, реакция кучлари жамиятнинг олға ҳаракат қилишига халақит бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилаётганликларини, халқларнинг курашиб қўлга киритган ютуқларига тажовуз қилмоқдалар, фитналар уюштиришга, давлат тўнтаришлари қилишга, қуролли интервенциялар бошлашга жазм қилмоқдалар. Американинг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни тўхтатишга, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси пайини қирқишга ва Вьетнам халқига ўз ватани тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини таъминлаб беришга олиб келувчи ҳаракатларни кучайтириш инсониятнинг энг эзгу манфаатлари тақозо қилмоқда. Шунингдек, Исроил қўшинларини босиб олинган араб территорияларидан чиқариб юбориш йўли билан, Яқин Шарқдаги аҳволни ҳам бартараф қилиш лозим.

Социалистик мамлакатлар бирлиги, жаҳон социалистик системаси жипслигини мустаҳкамлаш, ишчилар синфи, коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, империализмга қарши тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг интернационал бирлиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди, деб таъкидлади Н. Чаушеску.

Курашаётган Вьетнам вакили — Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Данг Чанг Тхи** минбарга чиққанида мажлис аҳли уни гулдурос қарсаклар билан қарши олади.

— Жанубий Вьетнам халқи,— деб бошлайди у ўз сўзини, — ватанининг мустақиллиги, озодлиги ва бирлиги учун олиб бораётган курашида Октябрь революцияси курашчиларининг, Қизил Армия ва совет халқининг ватанпарварлик ва интернационализм намуналаридан руҳланмоқда.

Ўн уч йилдан ортиқ вақтдан бери АҚШ империалистлари Женева битимларини поймол қилиб келмоқдалар. Американиклар ва уларнинг қўғирчоқлари халқимизга қарши сон-саноқсиз жиноят қилмоқдалар. Лекин уларнинг ваҳшиёна ҳаракатлари халқимизнинг уларга нафратини ва курашни давом эттиришга қатъий қарорини тобора мустаҳкамламоқда, холос. Жанубий Вьетнам халқи ўз ерида битта ҳам американик босқинчи қолмагунга қадар курашни давом эттириш зарурлигига ўзининг оғир тажрибасида ишонч ҳосил қилмоқда.

Совет халқи, деб давом этади нотиқ, бизнинг адолатли курашимизни чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқда. АҚШ империалистлари ўзларининг жиноий авантюрасини тўхтатмагунга қадар, улар Вьетнамдан чиқиб кетмагунга қадар Совет Иттифоқи Вьетнамга ёрдам беришни давом эттираберишини кеча ўртоқ Брежнев ана шу тантанали мажлисда яна бир карра таъкидлаб ўтди. Жуда катта қиммат баҳо ёрдам бераётганликлари учун КПССга, СССР ҳукуматига ва бутун совет халқига Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти ва Жанубий Вьетнам халқи номидан астойдил миннатдорчилик билдиришимга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар, бутун прогрессив инсониятнинг қардошларча ёрдамига муносиб бўлмоқ учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб нишонламоқ учун, жаҳон революциясининг улуғ йўлбошчиси Владимир Ильич Ленинга ўзининг энг буюк миннатдорчилигини изҳор қилмоқ учун, деди пировардида Данг Чанг Тхи, Жанубий Вьетнам халқи ўзининг миллий ва интернационал бурчини ниҳоясига етказиб, Жанубий Вьетнамни озод қилишга, Шимолий Вьетнамни ҳимоя қилишга, Ватанни бирлаштиришга, жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшишга қасамёд этади.

Минбарлар ёнида яна иттифоқдош республика байроқлари пайдо бўлади. Сўзни Молдавия олади.

— Л. И. Брежневнинг совет халқи кураши ва ғалабаларининг ярим асрлик йўли тўғрисидаги, марксизм-ленинизм ғоялари тантанаси тўғрисидаги докладини биз ҳаммамиз ғоят тўлқинланиб тингладик, деди Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. И. Бодюл**. — биз Ленин партияси раҳбарлигида халқимиз босиб ўтган катта йўл босқичларини яна қайтадан бошдан кечиргандек бўлдик, чет эллик қардошларимизнинг Октябрь ватанига меҳр-муҳаббати қудратли кучини қайта бошдан ҳис қилдик. Ўзининг қаҳрамонона кураши билан инсониятнинг энг эзгу умидларини рўёбга чиқараётган кашфиётчи халққа таъзим қилмай бўладими, ахир! Уннинг фашизмни тор-мор келтириб, цивилизацияни ҳимоя қилиб қолиб, инсоният меҳробига нақадар улкан қурбон берганлигини унутиб бўладими, ахир. Ленин партияси, совет кишиларининг мазлум халқларни ҳимоя қилишдаги, уларнинг адолатли курашига, социал ва миллий жиҳатдан қайта тикланишига ёрдам беришдаги хизматларини камситиб бўладими, ахир!

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бизнинг халқимизни асрий қолоқлик ва ҳуқуқсизликдан ҳалос қилди, уни миллат сифатида сақлаб қолди, унинг ягона мақсад ва муддаолар билан жипслашган совет халқлари қудратли оиласида баббаравар ривожланишини таъминлади.

Қудратли совет давлатида яшаб, меҳнат қилиш Молдавия халқи учун катта бахтдир! Молдавия халқи ўз территориясининг катта қисмида социализм қуришга анча кечроқ киришган бўлса ҳам бу йўлни анча тез босиб ўтиб, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг олдинги марраларига чиқиб олди.

Бахт-иқболга эришган ва ажойиб истиқболлардан руҳланган Молдавия халқи бугун: «Раҳмат сенга, доно партия, раҳмат сизларга, қардош халқлар!» — дейди.

Залда Испаниянинг қаҳрамон қизи — донғи кетган Пассионариянинг жозибадор нутқи янграйди. Испания Коммунистик партиясининг раиси **Долорес Иббаррури** Испания Коммунистик партияси номидан, испан меҳнаткашлари номидан гапиради. У КПСС Марказий Комитетини самимий табриклайди ва ер юзида социализм қурилишини бошлаб берган совет халқига энг самимий истакларини йўллайди.

— Кишини ғоят тўлқинлантираётган шу мажлисда, — деб хитоб қилади у, — биз Лениннинг халқларни курашга даъват этган сўзларини яна эшитгандек бўлдик! Биз испан коммунистлари ишчилар синфига, оммага астойдил ишонамиз. Шу сабабли бизнинг Коммунистик партиямиз жуда қаттиқ таъқиб шароитида бўлса ҳам мамлакатимизнинг энг йирик ва энг қобилиятли, энг уюшган сиёсий кучидир. Ўртоқлар, сизларга, бутун совет халқига курашни ғалаба қозонгунча давом эттирамиз, деб ваъда берамиз. Совет халқи бизга жуда яқин ва биргаликда тўкилган қон ҳамда кўрсатилган қаҳрамонлик туфайли совет халқи бизнинг тарихимиз билан абадий боғланган.

Ер юзини титратган 1917 йил октябрь кунлари биз учун революцион кураш йўлини очиб берди. Биз социализмга, Совет Иттифоқига қатъий ишонч билан яшадик ва курашдик. Биз кечаги кундаги каби бугун ҳам революцион эътиқодимизни янада зўр куч билан изҳор қиламиз: «Яшасин жаҳонда биринчи социалистик революция ижодчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!»

Мажлис қатнашчилари минбарга чиққан чет эл меҳмонларини ўринларидан туриб узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар, уларнинг нутқлари бир неча бор бўлиниб турди...

...Жангчилар жанговар байроқларини кенг ёйиб залга кириб келадилар. Мажлис қатнашчилари ракетачилар ва учувчилар, мотоўқчилар ва танкчилар, чегарачилар ва денгизчилар шарафига қарсак чаладилар. Забардаст жангчилар зал ичидаги ўтиш йўлларининг ҳаммасида саф тортиб турадилар.

Карнайлар: «Ҳаммангиз эшитингиз!» деб сигнал беради. Гвардиячи Кантемир танк дивизиясининг командири, танк қўшинлари генерал-майори **Н. И. Лапигин** минбарга чиқади.

— Бизнинг Қуролли Кучларимиз ярим асрдан буён революция қизил байроғи ёнидаги жанговар постда доим тинмай хизмат қилиб келмоқдалар. Ленин, Коммунистлар партияси вужудга келтирган Қуролли Кучларимиз меҳнаткаш халқнинг энг яхши фазилатларини ўзларига сингдириб олдилар ва бу халқ билан биргаликда ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона йўл босиб ўтдилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти, — деб таъкидлайди генерал, — жуда яхши ҳарбий техника билан таъминланган. Ядро қуроли, қудратли ракеталар ва атом сув ости кемалари, овоздан тез учадиган самолётлар ва энг янги танклар ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз жанговар қудратининг негизидир. Буларнинг ҳаммаси учун халқимиз, сенга, жонажон партиямиз сенга, Совет ҳукуматимиз сенга чин кўнгилдан солдатларча «раҳмат» деб айтамиз!

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари қардош социалистик мамлакатлар армияларининг жангчилари билан биргаликда тинчликни зийраклик билан қўриқлаб турибдилар. Улар ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан бажаришга ҳамиша тайёрдирлар.

Жангчилар халққа ва партияга рапорт бериб, залдан чиқиб кета бошлаганларида яна музика садолари янграйди, яна гулдурос қарсаклар авж олади.

Танаффусдан кейин кечки мажлис бошланади. Совет Латвиясининг байроғи минбар ёнига келтирилади.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Э. Восс** ўз нутқини шу сўзлар билан бошлайди:

—Бундан эллик йил муқаддам латиш қизил ўқчилари Советлар ҳокимияти учун курашга отландилар. Ўша пайтдан буён буржуазия ҳукмронлик қилган йиллар ҳам, фашист оккупациясининг қора кунлари ҳам латиш халқининг 1917 йилда баланд кўтарилган қизил байроқ тантанасига бўлган ишончини йўқота олмади. 1940 йилда Латвияда Совет ҳокимиятининг тикланиши қонуний бир иш бўлиб, тарихий тараққиётнинг шундан аввалги бутун даврини туғаллади.

Латиш халқи чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён ўз тақдирини, эксплуатация ва жабр, зулмдан халос бўлган ўз ҳаётини ўз қўлига олди. Совет Латвиясининг саноат ишлаб чиқариши 1940 йилдагига нисбатан йигирма баравардан зиёд ўсди. Республиканинг саноати ҳар уч ҳафтада ишлаб чиқараётган маҳсулот буржуазия ҳукмронлик қилган Латвияда бутун бир йил ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ортиқдир. Капитализмдан социализмга олиб борадиган йўл мисли кўрилмаган қисқа вақт ичида босиб ўтилди. Эксплуатация кишанларидан озод бўлиб, ўз турмушининг эгаси бўлган, Социалистик Ватанга, Коммунистик партия ишига чексиз содиқ бўлган янги киши ўсиб етишди.

Латиш халқининг янги ҳаёт қурилишида эришган ажойиб муваффақиятлари ленинча миллий сиёсат тантана қилганлигини ёрқин исбот этади, бу муваффақиятлар мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги, ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами натижасидир.

Совет Латвиясининг меҳнаткашлари Октябрнинг ярим асрлик юбилейини меҳнат, ғайрат-шижоати мисли кўрилмаган даражада ўсган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Республикамизнинг меҳнаткашлари, дейди нотиқ сўзининг охирида, босиб ўтилган йўлга ифтихор билан назар солиб, янада зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, Ватанни янги муваффақиятлар билан хурсанд қилишга кескин қарор бергандирлар.

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси **Юмжагийн Цеденбал** шу ерда ҳозир бўлган кишиларни табриклаб нутқ сўзлайди.

— Совет халқининг янги жамият қурилишида, бу жамиятнинг тарихий ғалабаларини ҳимоя қилишда ва кўпайтиришда кўрсатган жуда катта ташаббуси ва мислсиз жасорати, — деб таъкидлайди у,—ер юзидаги меҳнат аҳлининг тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашида жонли ва ёрқин илҳомбахш намуна бўлиб келди ва шундай намуна бўлиб қолмоқда. Октябрь самараси бўлган қудратли Советлар мамлакати империализмга қарши, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг мустаҳкам таянчи, содиқ дўсти ва иттифоқчисидир.

Совет Иттифоқи билан муносабатларимизда булутли кунлар бўлмади ва ҳеч қачон бўлмайди, дўстлик, қардошлик ва бахт-саодат қуёши бизга ҳамиша нур сочиб туради. Халқларимизнинг Улуғ Октябрь ўз нури билан порлатган ленинча дўстлигига ҳеч қандай қора кучлар доғ тушира олмайди. Халқларимизнинг мақсад ва истиқболлари битта, манфаат ва тақдирлари муштаракдир. Монгол халқи монгол-совет дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаган. Бу дўстлик социалистик қурилишни туғаллаш йўлидан бораётган мамлакатимиз меҳнаткашлари бахт-саодати ва муваффақиятларининг битмас-туганмас манбаидир.

Азиз ўртоқлар, сизларга ва сизлар орқали Совет Иттифоқининг барча халқларига — социализм ва коммунизмнинг биринчи кашфиётчиларига СССРда коммунистик жамиятни батамом қуриш учун, бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни сақлаш ҳамда таъминлаш учун курашда чин кўнгилдан янги катта муваффақиятлар тилайман.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Т. Усубалиев** ўтмишда чор Россиясининг энг қолоқ чекка ўлкаларидан бири бўлган Қирғизистон мисолида Улуғ Октябрь натижасида қандай буюк ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатди. Нотиқ республиканинг иқтисодий ва маданий тараққиётини яққол кўрсатиб берди.

Ҳозирги Қирғизистон замонавий индустрия республикасидир. Бу республика саноатининг маҳсулоти жаҳондаги неча ўнлаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Қирғизистон юксак даражада механизациялаштирилган ва сермаҳсул социалистик деҳқончилик ҳамда чорвачилик республикасидир. Маориф, фан ва маданиятнинг тараққиёт даражаси жиҳатидан Қирғизистон чет Шарқдаги мамлакатларнигина эмас, балки Европадаги кўпгина капиталистик мамлакатларни ҳам орқада қолдирди. Республикада янги кишилар — ўз социалистик юртининг ватанпарварлари, чинакам интернационалчилар, коммунизмнинг актив қурувчилари ўсиб етишди.

Биз, дейди нотиқ, буларнинг ҳаммасига Улуғ Октябрь туфайли, гениал йўлбошчи ва устоз Ленин туфайли, шонли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати туфайли эришдик.

Қирғиз халқи улуғ рус халқига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади. Биз дўстлик ва мадад учун, беғараз ва саҳий кўмаги учун рус халқига ҳамда барча қардош совет халқларига катта самимий раҳмат деб айтамиз!

Қирғизистон меҳнаткашлари, дейди нотиқ сўзининг охирида, барча совет халқлари билан биргаликда улуғ байрамни шонли Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқдалар. Улар Октябрнинг 50 йиллигини коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва Сиёсий бюро Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси Президиумининг раиси **Цой Ен Генга** сўз берилади.

— Совет халқи КПСС раҳбарлигида социализмга боришнинг ҳали ҳеч ким юриб ўтмаган йўлини очиб берди. Совет халқи қилган сўнмас жасоратлар инсоният озодлиги тарихига абадий ёзиб қўйилади. Корейс халқини япон империализмининг мустамлакачилик зулмидан озод қилиб, унга революцияни муваффақиятли амалга ошириш йўлини очиб берган Совет Армияси билан совет халқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилишимга ижозат бергайсиз.

Цой Ен Ген Совет ҳокимиятининг 50 йили мобайнида СССРда қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида гапириб, Совет Иттифоқининг ривожланиши ва равнақ топиши бутун социалистик лагерь қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Америка империалистлари, деди сўзини давом эттириб нотиқ, жаҳон халқларининг қоралашига қарамай, Вьетнамдаги агрессив урушни тобора кенгайтириб бормоқдалар ва Кореяда янги уруш чиқаришга уринмоқдалар. Америка империалистларининг янги уруш чиқариш йўлидаги кирдикорлари оқибатида ҳозир Кореяда вақтинча яраш тузилган пайтдан бери энг кескин вазият вужудга келиб қолди. Бу ҳол Осиёдаги ва бутун дунёдаги тинчликка жиддий хавф солмоқда.

Корейс халқи, деб таъкидлади Цой Ен Ген, ватанни бирлаштириш ва бутун мамлакатда революция ғалабасига эришишдан иборат тарихий ишни албатта рўёбга чиқаради.

Корейс халқи Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун, коммунизмнинг улуғ иши тантанаси учун олиб бораётган курашида совет халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. Цой Ен Ген Корея ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва жипслик шарафига табрик сўзлари айтади.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ж. Р. Расулов** минбарга чиқади.

— Жаҳонда биринчи социалистик жамият бинокорлари бениҳоя катта қийинчиликларни енгиб ўтдилар, — деди у. — Совет халқи, бизнинг партиямиз ҳамма синовлардан ғолибона ўтган эканлар, бунга аввало улар Улуғ Октябрь байроғини баланд кўтариб борганликлари туфайли эришдилар.

Советлар мамлакати ярим асрлик йўлининг партиямиз Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ғоят мазмундор, қалбларни тўлқинлантирувчи докладида равшан кўрсатиб берилган улуғвор якунлари партия билан халқнинг Улуғ Октябрга, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси Ленинга берган тантанали рапорти бўлиб янгради.

Совет кишилари шонли юбилейни нишонлаб, эришилган муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Совет ҳокимиятининг 50 йили мобайнида Ватанимиздаги катта ва кичик ҳамма халқлар, шу жумладан тожик халқи ҳаётида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги Тожикистон гуркираб яшнаб турган, юксак даражада ривожланган социалистик республикадир. Тожик халқи ўз тақдирининг хўжайини бўлиб олиб, қисқа муддат ичида чинакам мўъжизакор ишлар қилди. Саҳролар гуллаб турган воҳаларга айлантирилди, ер ости бойликлари қидириб топиб ўзлаштирилмоқда. Асов тоғ дарёлари жиловланди. Кучли электр станциялар саноатга, қишлоқ хўжалигига, шаҳарларга, ишчи посёлкаларига, қишлоқларга энергия бериб турибди. Қашшоқлик ва маданиятсизлик ўтмишда қолиб кетди. Халқ ҳаёти бадавлат, мазмундор, маънавий жиҳатдан бой бўлиб қолди.

Бизнинг муваффақиятларимиз равшан, лекин партия бизга эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмасликни ўргатган. Бундан буён биз, деб сўзини якунлайди нотиқ, катта ишларни, тағин ҳам буюк вазифаларни бажаришимиз лозим.

Финляндия Коммунистик партиясининг Бош секретари **Вилле Песси** мажлис минбаридан туриб совет халқига қизғин ўртоқлик саломи топширади. Сўнгра у бундай дейди:

— Октябрь революцияси фин меҳнаткашларининг революцион ташкилоти — Коммунистик партия тузишга туртки берди. Бизнинг партиямиз ишчилар синфининг, бутун фин халқининг манфаатлари ва ҳуқуқлари учун, Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик учун курашда мамлакат ижтимоий турмушидаги салмоқли куч бўлиб етишди.

Финляндия Коммунистик партиясининг фаолияти ва унинг муваффақиятлари сизларнинг ютуқларингиз билан, барча қардош партияларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Биз Коммунистик партияларимиз учун муштарак бўлган барча масалалар юзасидан ҳамкорликни мустаҳкамлашни Коммунистик партияларнинг бурчи деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, бизнингча, қардош партияларнинг янги халқаро кенгашини чақиришга тайёргарлик кўра бошлаш лозим.

Пировардида Вилле Песси Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитетига табрикномасини ўқиб эшиттиради. Табрикномада, жумладан, бундай дейилади: «Совет давлатининг шонли юбилейи айни маҳалда улуғ интернационал тантана куни ҳамдир. Октябрь революцияси каби инсоният тақдирига шу қадар улкан таъсир ўтказган бошқа воқеа жаҳон тарихида бўлган эмас».

Совет Арманистонининг делегацияси тантанали мажлис қатнашчиларини табриклайди.

— Биз,— деб таъкидлайди республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Е. Кочинян**,— шу тантанали кунларда босиб ўтилган йўлга бир назар солар эканмиз, кўз олдимизда Октябрнинг тилларда достон бўлиб қоладиган эпопеяси ҳамда устозимиз ва йўлбошчимиз В. И. Лениннинг ўлмас сиймоси намоён бўлади. Кўп миллатли давлатимизнинг ярим асрлик тажрибаси Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг улуғворлиги ва донолигини тамомила тасдиқлади ва бутун дунёга яққол кўрсатиб берди. Бу сиёсат барча совет халқлари, барча совет республикалари моддий ва маънавий кучларининг тарихда мисли кўрилмаган даражада равнақ топишини таъминлади.

Совет Арманистони — Улуғ Октябрь самарасидир. Октябрь революцияси арман халқига ижтимоий ва миллий қайта тикланиш даврини очиб берди. Арманистон тарихан қисқа вақт ичида юксак даражада ривож топган социалистик республикага айланди. Бу республика кўп тармоқли индустрияга, замонавий қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга эгадир.

Улуғ Октябрь қуёши янгидан вужудга келтирган социалистик Арманистон тарихий тақдир амри билан жаҳонга тарқалиб кетган ўз ўғил ва қизларини худди магнит каби ўзига тортмоқда. Ўтган йиллар ичида икки юз мингдан ортиқ арман яна ўз ватанига қайтиб келди ва ҳозирги кунда ўз меҳнати, билими ва талантини коммунистик қурилишнинг улуғ ишига сарф қилмоқда.

(Давоми 5-бетда).

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАМОҚДА

(Бошн 3 ва 4-бетларда).

Арман халқи улуғ Ленин партияси туфайли катта муваффақиятларга эришди ва гуллаб яшнади. Арманистоннинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Октябрь революциясининг 50 йиллигн юбилейи кунларида ленинизм идеяларига, Октябрь идеяларига, пролетар интернационализми идеяларига чексиз содиқ эканликларини, халқларнинг бузилмас дўстлиги ва қардошлигига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига содиқ эканликларини яна бир марта таъкидлайдилар!

АҚШ Компартиясининг бош секретари **Гэс Холл** ўзининг табрик нутқида бундай деди: 1917 йил октябрь ойидаги революцион воқеалар социал тараққиётнинг қудратли енгилмас кучи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи вужудга келганлигидан далолат берди. Ана шу революцион куч инсониятнинг бутун ҳаётини тамомила янги изга солиб юборди.

Нотиқ яна қуйидагиларни айтади: Вьетнам халқига қарши АҚШ агрессиясининг даҳшатли суратда кучайиб бораётганлиги — ҳозирги вақтда инсоният тараққиёти йўлидаги асосий говдир. Америка империалистлари Вьетнамда ишлатаётган ёнувчи напалмлар инсониятнинг бутун ҳаётини хавф остида қолдиради.

Америка империализмининг ҳимоячилари Қўшма Штатларнинг ўзида уларнинг агрессив сиёсатига кўрсатилаётган қаршилик кенгайиб кетганлигини жаҳон жамоатчилигидан яширишга уринмоқдалар. Яқинда Пентагон ва Оқ уй олдида Вьетнамдаги урушга қарши ўтказилган намойиш халқимизнинг бу урушга муносабатини исбот этувчи янги далил бўлди. Намойишда 200 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Шу йил ёз фаслида бўлиб ўтган «камбағаллар қўзғолонлари»да минг-минглаб кишиларнинг қатнашганлиги ҳам халқимизнинг кайфиятини кўрсатиб беради. Ана шу қўзғолонлар мамлакатнинг қарийб 180 шаҳридаги негрлар гетгосида бошланган эди. Юз мингларча ишчиларнинг иш ташлаётганлигига қараб ҳам халқимизнинг кайфиятини билиб олиш мумкин. Америка ёшларидан кўплари армия сафига боришдан бош тортаётганликлари ҳам халқимизнинг қаршилик кўрсатаётганлигини исбот қилади.

Империализмга қарши қаратилган бутун иш каби Вьетнам халқининг иши ҳам енгилмасдир. Вьетнам халқининг ғалабаси бутун инсониятнинг манфаатларига мувофиқ бўлганлиги учун бу иш енгилмасдир, деб таъкидлайди Гэс Холл.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Б. Овезов** Совет Иттифоқининг энг жанубидаги республика меҳнаткашларидан тантанали мажлис қатнашчиларига қардошлик саломи топширди.

Сўнгра Б. Овезов қуйидагиларни айтди: Улуғ Октябрь илгари жабр-зулм ва мудҳиш қашшоқликдан қаттиқ азоб чеккан туркман халқининг ҳаётида тамомила янги саҳифа очди. Эндиликда бу ўлканинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарган. Социалистик шаҳарлар қад кўтариб, мавж уриб ўсмоқда. каналлар қазилди, колхоз ва совхозлар, нефть конлари, химия саноати ва бошқа саноат тармоқлари корхоналари вужудга келтирилди. Ватанимиз ҳар йили Туркманистоннинг неча миллион тонналаб нефтини олмоқда. Туркманистон гази жуда катта Ўрта Осиё — Марказ газ қувуридан мамлакатнинг марказий районларига юборилмоқда. Бу газ севикли Москвани ва революциянинг бешиги бўлган Ленинградни дўстлигимизнинг ҳарорати билан иситиб турсин!

Бундан бир неча ўн йил илгари Туркманистонда ўқиш-ёзишни билган кишилар жуда кам учрар эди. Ҳозирги вақтда республикада умумий таълим амалга оширилган. Институтлар ва техникумлар ҳар йили минг-минглаб юқори малакали мутахассисларни тайёрламоқда. Республика Фанлар академиясида ва неча ўнлаб илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаётган олимларнинг катта бир отряди энг муҳим халқ хўжалик проблемаларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

Ҳозирги тантанали кунда, дейди нотиқ сўзининг охирида, ишонтириб айтамизки, Туркманистон меҳнаткашлари партия XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун кучларини аямайдилар, мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкам жипслашадилар.

Мажлис қатнашчилари Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти, Араб социалистик иттифоқи олий ижроия комитетининг аъзоси **Али Сабрийни** самимий кутиб олдилар. Али Сабрий айтдики, озодлик, тараққиёт ва адолатли тинчлик принципларини ҳимоя қилаётган халқларимизнинг курашидаги позицияларнинг муштараклиги тарихий юбилей муносабати билан Совет Иттифоқида ўтказилаётган ҳозирги учрашувни ифода этувчи асосий нарсадир.

Ҳозирги дунёда империализм халққа қарши бўлган барча кучларнинг асосий таянчи бўлиб, дунёда озодлик, мустақиллик ва тараққиёт йўлидаги ҳаракатга тўсқинлик қилмоқда. Империализм Шарқи-Жанубий Осиёда ошкора ҳаракат қилмоқда — ўз кучини ишга солиб, Вьетнам халқига қарши қуролдан фойдаланмоқда. Империализм ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган ана шу халқнинг иродасини қақшатиб қўймоқчи бўлади, лекин империализм бунга ҳеч қачон эриша олмайди!

Империализм араб дунёсида Исроилни рўкач қилиб, енг ичида ҳаракат қилмоқда. Империализм Исроилда агрессия базасини вужудга келтирди. Империализм ана шу базани қўллаб-қувватламоқда ва қурол-яроғларнинг ҳамма турлари билан таъминламоқда. Империализм Яқин Шарқ халқлари устидан ўз ҳукмронлигини яна ўрнатмоқчи бўлади.

Бизнинг халқимиз деб сўзини давом эттириди нотиқ, ўз мамлакатининг экономикасини юксалтириш ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш учун курашда Совет Иттифоқи ёрдам бераётганлигини яхши билади. Революцион курашимизнинг ҳамма босқичларида Совет Иттифоқи халқлари ва раҳбарларининг бизга доим дўстона муносабатда бўлганликларини халқимиз ҳамиша ташаккур ва миннатдорчилик билан эсга олади. Совет Иттифоқи ҳеч қандай шарт қўймай бизга ҳамиша ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиб келди.

Курашимизнинг ҳозирги оғир даврида ҳам социализм кучлари яна бизнинг томонимизни олдилар ва бизни қўллаб-қувватладилар.

Душманларнинг ҳар қандай қирдикорларига қарамай, Бирлашган Араб Республикасининг халқи социалистик ислоҳотларни оғишмай давом эттирмоқда. Халқимизнинг йўли ҳар қанча оғир ва ҳар қанча олис бўлишига қарамай, у ҳарқандай қурбонлар беришга тайёрдир ва ўзини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий қарор берган дир.

Али Сабрий сўзининг охирида бундай дейди: Курашаётган омма таслим бўлиш эвазига сулҳ тузишни истамайди. Ҳозирги кунда бу омма озодлик, тараққиёт ва адолат пировардида ғалаба қилажагига тагин ҳам кўпроқ ишонган.

Қизил байроқ кўтарган делегацияларнинг ўн бешинчиси минбарга чиқади. Мамлакатимиздаги қардош республикаларнинг табрик рапортларини Эстония ССР делегацияси тугаллайди.

— Биз совет халқи босиб ўтган йўлга назар солар эканмиз, совет халқининг меҳнати яратган ҳамма нарсаларга баҳо берар эканмиз, Ватанимизнинг бундан кейинги тараққиётининг буюк истиқболлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, — дейди Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Г. Кэбин**, бизнинг қалбимиз Коммунистик партия учун ифтихор туйғулари билан яна ва яна тўлиб тошади, Улуғ Октябрнинг самараси бўлган кўп миллатли социалистик давлатга муҳаббат туйғулари билан тўлади. Ана шуларнинг ҳаммаси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида чуқур, ёркин ва асосли қилиб баён этилган.

Азиз ўртоқлар, Совет Эстониясининг меҳнаткашлари байрам олди йиғилишларида сизларни улуғ юбилей билан энг самимий табриклашни делегациямизга топширдилар, халқ бахт-саодати тўғрисида тинмай зўр ғамхўрлик қилаётганлиги учун КПССнинг ленинчи Марказий Комитетига, жонажон Совет ҳукуматига чексиз муҳаббат ва миннатдорчилик изҳор қилишни топширдилар.

Эстон халқи Октябрь революциясининг бевосита актив иштирокчиси бўлганлиги ва собиқ чор Россиясидаги бошқа халқлар билан биргаликда 1917 йил октябрида мафур эксплуатация ва зулм тузуми устидан ғалабага эга эканлиги ғайёрлаганлиги туфайли фахрланади. Петрограддаги қуролли қўзғолон ғалабасидан бир кун кейин Таллинда ва бутун Эстонияда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Аммо интервентлар халқимизни 20 йилдан ортиқ вақт ичида Советлар мамлакатидаги бошқа халқлардан ажратиб қўйиш учун Эстония буржуазиясига ёрдам бердилар. 1940 йилдаги социалистик революция Эстонияда Совет ҳокимиятини тиклади.

Шонли эллик йиллик юбилей кунларида, дейди И. Г. Кэбин, эстон халқи Октябрь ғалабаларини кўпайтиришга қатъий қарор берганлигини яна бир марта билдиради.

Гвинея Демократик партияси Миллий сиёсий бюросининг аъзоси, давлат молия ва планлаштириш министри Сайфуллай Диалло ўз нутқида айтдики, Россия пролетариатининг қаҳрамонона жасорати капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи учун асорат ва эксплуатацияга қарши, озодлик чинакам мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт ишининг ғалабаси йўлида курашаётган халқлар учун ҳамиша тимсол бўлиб, илҳомбахш намуна бўлиб қолаберади. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги Совет Иттифоқи халқларининггина эмас, шу билан бирга бутун прогрессив инсониятнинг ҳам байрамидир.

Сайфуллай Диалло Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига йўлланган ва Гвинея Демократик партиясининг Марказий Комитети якдиллик билан маъқуллаган мактубни ўқиб эшиттирди. Совет Иттифоқи билан сидқидил дўстлик, жанговар бирдамлик ва самарали ҳамкорлик алоқалари иплари орқали боғланган Гвинея халқи, дейилади мактубда, барча халқларнинг озодлиги ва эркинлиги ишини доимо қўллаб-қувватлаб келаётган улуғ совет халқини, унинг коммунистик партиясини табриклади. Гвинея халқи Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқларини руҳлантириб турган революцион идеалларга содиқ бўлиб келишга қаттиқ бел боғлаганлигини яна бир карра таъкидлайди ва антиимпериалистик курашни кучайтирмоқ ҳамда бутун дунёда тинчлик ва тараққиётни ёқлаб чиқаётган кучларнинг бирлашган фронтини мустаҳкамламоқ учун ҳамма чораларни кўради.

Мали Республикаси революцияни ҳимоя қилиш миллий комитетининг аъзоси, юстиция ва меҳнат министри **Мамаду Мадейра Кейта** минбарга чиқади. Улуғ Октябрь революцияси давридан бери совет халқи эришган ғалабаларга барча миллий озодлик ҳаракатлари, империализм ҳукмронлиги оқибатларидан ҳали ҳам жафо чекаётган ҳамма халқлар астойдил хурсанд бўлаётганликларини таъкидлаш мени ғоят мамнун қилади. Биз ана шу ғалабаларнинг ҳар бирини инсоният тараққиёти ишига қўшилган муҳим ҳисса деб, марксизм-ленинизмнинг социализм инсоннинг ва жамиятнинг гез ривожланишини, инсон қобилиятларининг тўла равнақ топишини бошқа ҳамма жамиятлардан кўра, яхшироқ таъминлаб беради, деган тезисининг исботи, деб биламиз.

Мали халқи ана шу ҳақиқатга асосланиб, ўз мамлакатида социалистик қурилиш йўлини танлаб олди. СССР бошчилигидаги социалистик лагернинг катта-катта муваффақиятлари ўзимиз танлаб олган йўлнинг тўғрилигига бўлган ишончимизни кун сайин мустаҳкамламоқда.

Учинчи дунё мамлакатлари халқларининг вакиллари бўлган бизлар, деди Мамаду Мадейра Кейта, Совет Иттифоқининг миллий озодлик ҳаракатлари ва ёш давлатлар сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда бераётган хилма-хил ёрдамини айниқса юксак қадрлаймиз.

Қисқа танаффусдан сўнг мажлис яна давом эттирилди. Раислик қилувчи **Л. И. Брежнев** Сурия Араб Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри, араб социалистик қайта тикланиш партияси Сурия раҳбарлигининг аъзоси **Иброҳим Маҳузга** сўз беради.

— Октябрь социалистик революцияси Совет Иттифоқи халқларининггина эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг ҳам мулки бўлиб қолди, озодлик учун курашаётган меҳнаткашлар оммаси учун битмас-туганмас илҳом манбанга айланди деб сидқидилдан ҳисоблаймиз.

Ўртоқ Брежнев ўзининг ажойиб нутқида айтиб ўтганидек, империализм Совет Иттифоқининг агрессивлиги тўғрисидаги сохта гапни халқлар қулоғига қуйишга уриниб кўрди. Лекин империализм халқларни алдай олмади. Халқларнинг революцион етуклиги ўса борган сари улар Совет Иттифоқи ўзларининг содиқ ва бегараз дўсти эканлигини тушуна бошладилар. Октябрь революциясининг бутун миллий озодлик ҳаракатига, бутун дунёдаги социализм йўлидаги курашга ўтказаётган чуқур таъсирини англай бошладилар.

Биз, дейди Иброҳим Маҳуз, империализмнинг ва унинг қуроли — Исроилнинг қутуриб қилган агрессиясига қаршилик кўрсатишимизда бизга ёрдам берган Совет Иттифоқига, социалистик мамлакатларга ва бошқа барча дўст давлатларга миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Иброҳим Маҳуз араб — совет дўстлиги шарафига ва империализмга қарши курашнинг жаҳон фронти шарафига табрик сўзлари айтади.

Буюк Британия Компартиясининг бош секретари **Жон Голлан** инглиз коммунистлари номидан мажлис қатнашчиларига мурожаат қилиб бундай деди:

— Биз Ленин ворислари, Қишки саройга ҳужум қилиб, инсоният тарихида янги давр очиб берганларнинг ворислари бўлган сизларни қутлаймиз. Биз сизларнинг шонли эллик йиллигингизни қутлаймиз. Бу йиллар қийинчиликлар ва синов йиллари бўлди, ғалабалар ва улуғ зафарлар йиллари бўлди. Башарти Ленин бугун шу ерда, биз билан бирга бўлганида социализмнинг ажойиб ғалабалари билан беҳад фахрланган бўлар эди!

Интернационализм руҳида тарбияланган бизнинг партиямиз империализмга қарши кураш олиб бораётган халқларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайберади. Биз ўртоқ Ле Зуанни ишонтириб айтамизки: «Бутун дунё меҳнаткашлари сизлар билан бирга!». Америкаликлар Вьетнамдан чиқиб кетмагунларича жаҳон меҳнаткашлари қурашни тўхтатмайдилар.

Жон Голлан сўзини давом эттириб яна бундай деди: — Ўртоқ Брежнев ўз докладида, совет кишилари ҳеч ким юриб ўтмаган йўлдан боришга мажбур бўлдилар, деб айтди. Бу — жуда тўғри гап. Чиндан ҳам сизлар бутун инсониятга йўл солиб бердингиз. Биз ҳаммамиз сизлардан қарздормиз. Сизлар биринчи бўлиб ер юзининг олтидан бир қисмида Қизил байроқ кўтардингиз. Ҳозир шу байроқ ҳаммамизнинг тепамизда мағрур ҳилпираб турибди. Бинобарин сиз, улуғ Совет халқи ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг бу байроққа тажовуз қилишига йўл қўймайсиз!

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революцияси!

Конго (Браззавиль) революцион ҳаракат партияси сиёсий бюросининг аъзоси, партия секретари, миллий реконструкция ва қишлоқ хўжалик министри **Клод Да Коста** мажлис минбарига чиқиб коммунизм сари ғолибона юришда Совет Иттифоқи меҳнаткашларига янгидан-янги улуғ зафарлар тилади.

Совет Иттифоқи мамлакатимизнинг янги ҳукуматини таниб унинг яшаши учун зарур бўлган маънавий ва моддий ёрдамни ҳеч бир шартсиз кўрсата бошлаган биринчи мамлакатлар қаторида бўлди. Бизнинг мамлакатимиз билан Совет Иттифоқи ўртасида дарҳол дипломатик ва дўстлик муносабатлари ўрнатилганлиги бизга катта ёрдам бўлди деди, сўнгра Да Коста. Бугун, ана шу тантанали дамларда бунинг учун Совет Иттифоқи халқига ва Коммунистик партиясига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдириш билан бахтиёрмиз.

Совет Иттифоқи бутун дунё меҳнаткашлари ва революционерларининг жонажон юрти бўлиб қолди. Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Родней Арисменди** тантанали мажлисда сўзлаган нутқида шундай деди.

Совет Иттифоқи билан, КПСС билан дўстлик, деди сўзини давом эттириб нотиқ, бизнинг партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга. Биз бутун Латин Америкасидаги революцион ҳаракатнинг Совет Иттифоқи билан бирлигини стратегик зарурат, деб ҳисоблаймиз.

Америка империализми халқаро вазиятни кескинлаштираётган, Вьетнамдаги агрессияни гитлерчиларга хос шафқатсизлик билан давом эттираётган, Кубага қарши фитначилик ишларини кучайтираётган бир шароитда бу бирлик айниқса зарур бўлиб қолмоқда. Америка империализмининг Доминикана Республикасини қонга ботирган интервенция сиёсати бутун Латин Америкасига ёйилмоқда. Европа марказида Германия милитаризмининг ҳарбий машинаси яна вужудга келтирилаётганлиги учун ҳам бирлик айниқса зарур бўлиб қолмоқда.

Биз коммунистик ҳаракатнинг халқаро кенгаши ўтказилиши тарафдоримиз ва КПССнинг бу соҳадаги самарадор фаолиятини табриклаймиз.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси делегациясининг бошлиги **Аҳмад Канд** ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан бошлади:

— Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Тарихий воқеа — Октябрь революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Жазоир халқи, миллий озодлик фронти партияси ва ҳукуматининг энг қизғин қутловларини Совет Иттифоқи халқлари оиласига, унинг партиясига ва ҳукуматига топшириш шарафи ва бахти менга мушарраф бўлди.

Улуғ Октябрь революцияси — тарихдаги энг улкан воқеалардан биридир. Совет Иттифоқининг саноат, маданият ва илм-фан соҳасидаги зўр муваффақиятлари маълум халқларнинг порлоқ дунёга — зулмсиз ва эксплуатациясиз дунёга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Миллий озодлик уруши йилларида совет халқидан, социалистик лагердан, жаҳон жамоатчилик фикридан самарали мадад олган ва социализм йўлини узил-кесил танлаб олган революцион Жазоир халқи ўз мустақиллиги учун ва иқтисодий озодлик учун курашаётганларни ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Нотиқ Жазоир — Совет дўстлиги турли соҳалардаги самарали ҳамкорлик туфайли мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаб, бу дўстлик шарафига табрик сўзлари айтди.

Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Макс Рейман** КПСС ва унинг Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва СССРнинг барча меҳнаткашларига қардошларча жанговар салом топширади.

— 50 йил ичида, — дейди у, — жаҳоннинг қиёфаси ўзгарди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Маркс ва Энгельснинг ватанида социалистик давлат — Германия Демократик Республикаси қарор топди. Бу республиканинг сиёсати ва муваффақиятлари Федератив Республикадаги тараққиётга тобора катта таъсир кўрсатмоқда. Бундан ўн бир йил муқаддам бизнинг партиямиз тақиқланган пайтда Гарбий Германия капиталистлари Германия Коммунистик партиясини йўқота оламиз, деб ўйлаган эдилар. Аммо, Германия Коммунистик партияси, барҳаёт бўлиб, халқ иши учун курашмоқда. Германия Коммунистик партиясининг аъзолари Маркс, Энгельс, Ленин идеяларини енгилмас эканлигини яхши биладилар!

Биз, Германия Федератив Республикасидаги коммунистлар жаҳон коммунистик ҳаракати бирлиги тарафдоримиз, бутун дунёдаги коммунистик ва ишчи партияларнинг кенгашини чақириш тарафдоримиз.

Бизнинг унутилмас ўртоғимиз Эрнст Тельман бизга: Совет Иттифоқига нисбатан муносабат ҳар бир коммунистнинг қиёфасини белгилаб беради, деган эди. Шу вақтгача шундай бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлаверади!

Ҳиндистон Компартияси делегациясининг бошлиги **Шрипат Амрит Данге** ўз нутқида Ҳиндистон коммунистларининг иродасини, уларнинг Совет Иттифоқи коммунистлари билан бирдамлигини **изҳор қилиб, бундай деди:**

— Ҳиндистон меҳнаткашлари сизларни социализмнинг қолиб бинокорлари ва келажакдаги коммунистик жамиятнинг ижодкорлари сифатида севадилар. Сиз халқимизнинг қалбини ўзингизга мафтун қилдингиз. Бизнинг халқимиз сизларни инсониятни капиталистик асоратдан қутқазиш йўлидаги буюк курашчилар, деб билади. Сизлар Вьетнамдаги қаҳрамон курашчиларга, Куба революциясининг ҳимоячиларига, араб халқлари, Африка халқлари ва бошқа халқларнинг озодлиги ишига ёрдам бермоқдасиз, ўзларининг сохта идеяларини революцион ҳаракатга ёйиш учун уринаётган бузғунчиларнинг ва советларга қарши кишиларнинг кирдикорларига қарамай, сизлар барча социалистик мамлакатларнинг, барча коммунистик, социалистик ва демократик кучларнинг бирлиги ҳамда жипслиги учун актив курашмоқдасиз. Биз, деди нотиқ, коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

1917 йил октябрида жаҳон революциясини бошлаган совет халқи ва унинг Коммунистик партияси барча антиимпериалистик кучлар, тинчлик, демократия ва социализм кучлари билан маҳкам бирлашиб, ҳамиша олдинги сафларда боражагини яхши биламиз. Яшасин Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик!

Шундан кейин бирлаштан Танзания республикаси ҳукумати, Танганьика Африка миллий иттифоқи партияси ва «Афро-Ширози» партияси (Занжибар) бирлашган делегацияларининг бошлиғи, Танзания республикасининг иқтисодий масалалар ва тараққиётни планлаштириш масалалари билан шуғулланувчи министри **Поль Бомани** сўзга чиқди. Делегация аъзолари, деди у, Октябрь революциясининг 50 йиллигини совет қардошларимиз билан биргаликда байрам қилиш имкониятига эга бўлганликларидан ҳурсанддирлар. Совет Иттифоқи бизнинг социализмга бўлган умидимиз ва ишончимизни тўла таъкидлади.

Поль Бомани Танзания президенти Жулиус Ньереренинг Совет Иттифоқи халқи ва ҳукуматига йўллаган табрикномасини ўқиб беради.

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари **Л. Корвалан** ўз нутқида бундай деди:

— 1967 йилги Россия социализмининг реаллиги ва қудратини гавдалантириб турибди, Маркс, Энгельс ва Ленин идеяларининг нури эса бутун дунёни ёритиб турибди. Совет Иттифоқи ўзининг иқтисодий муваффақиятлари ва тинчликсеварлик сиёсати туфайли, қаҳрамон Вьетнам билан, революцион Куба билан, бутун жаҳондаги озодлик ҳаракати билан халқаро майдонда ва ҳар бир мамлакатнинг ўзида империализм хамда реакцияни яккалаб қўйишга, демократия ва социализм сари олиб бораётган йўлни кенгайтиришга ҳал қилувчи тарзда ёрдам кўрсатмоқда.

Биз, дейди нотиқ, ўртоқ Брежневнинг Совет Иттифоқи барча мазлумларнинг умиди ва таянчи, тинчлик, халқлар озодлиги ва бахти учун курашаётган барча кишиларнинг таянчи бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, деган сўзларини тамомила қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Россия большевиклари, ишчилар ва деҳқонларидан, янги жамиятнинг биринчи қашфиётчиларидан, ҳамма кишиларни бир-бири билан қардош қилган даврни бошлаб берган кишилардан абадий миннатдор эканлигимизни изҳор қиламиз.


Мажлис қатнашчилари Кремлдаги Съездлар саройида сўзга чиққан бошқа ҳамма чет эл делегацияларининг раҳбарларини табриклаганликлари каби бу сафар ҳам ўринларидан туриб Чили меҳнаткашларининг вакилини қарсаклар билан самимий табриклайдилар.

Мажлис тамом бўлай деб қолди. Л. И. Брежнев якунловчи нутқини сўзлайди, Л. И. Брежнев айтадики, барча совет кишилари социализм Ватанининг инсонияти миллий ва социал зулмдан озод қилиш учун курашга қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берганликлари учун дўстларимиздан астойдил миннатдордирлар. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг шу сўзлари халқимизнинг марксизм-ленинизм улуғ идеяларига садоқати тўғрисидаги қасамёд бўлиб жаранглайди:

— Биз комил ишонч билан Улуғ Октябрь йўлидан олға бормоқдамиз. Биз Октябрь йўлидан бориб, социализм ғалабасига эришдик! Биз Октябрь йўлидан бориб коммунизм ғалабасига эришамиз!

Шу сўзларга жавобан залда гулдурос қарсак садолари янграйди.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисини ёпик деб эълон қилади. Мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб ғоят баланд руҳ билан партия гимни «Интернационал»ни ижро этадилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва қаҳрамон совет халқи шарафига, жаҳонни ўзгартираётган Улуғ Октябрь социалистик революцияси шарафига табрик хитоблари янграйди. (ТАСС).



МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД ШАҲАРЛАРИГА— ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги, Улуғ Октябрь социалистик революциясидаги жуда катта хизматлари ҳамда Совет ҳокимиятини барпо этиш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлиги учун, Совет давлатининг душманларига қарши жангларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун, коммунизм қурилишидаги муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми Москва ва Ленинград шаҳарларини Октябрь революцияси орденлари билан мукофотлади. (ТАСС).

Ватанимиз пойтахти — Москва. Қизил Майдон.
(ТАСС фотохроникаси).

Тошкент гарнизони қўшинларига

БУЙРУҚ

1967 йил 5 ноябрь

№ 72

Тошкент шаҳри

1967 йил 7 ноябрь ҳарбий паради тўғрисида

§ 1

1967 йил 7 ноябрь, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик байрами кунида Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли майдонда Тошкент гарнизони қўшинларининг паради бўлади. Парад эрталаб соат 10 га белгиланган:

Парадни Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник **Н. Г. Ляшченко** қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга топширилган.

Қисм командирлари зиммасига линейнилаони юбориш ва қўшинни тасдиқланган расчёт бўйича белгиланган вақтда олиб чиқиш вазифаси юклатилсин.

Кийим формаси — ёзги, парад кийими.

Артиллерия салюти менинг кўрсатмаларимга мувофиқ берилсин.

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш бўйича умумий раҳбарлик Тошкент шаҳар гарнизони коменданти подполковник **И. С. Рижик** зиммасига юкланади.

Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиғи, округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант
Н. ЛАЗЕБНИКОВ.

БАЙРАМ сайллари, тамошалари

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОМОША КЕЧ СОАТ 7.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Ҳаммаси сизлар учун

Тошкент шаҳар ресторанлар трестининг директори Раҳмон Мирзаев:

— Шаҳримизда байрам кунлари «Тошкент», «Баҳор», «Шарқ» каби ресторанлар кундуз соат 12 дан кеч соат 23 гача эмас, балки эрталаб соат 10 дан тунги 1 гача ишлайди. «Дружба», «Гулнора» ва бошқа кафелар эса, эрталаб соат 8 дан кеч соат 24 гача кишилар хизматида бўлади.

Бундан ташқари 7, 8 ноябрда «Ёшлик» спорт манежида 2500 кишига мўлжалланган кўчма ресторан ташкил қилинади. Бу ерда «Тошкент» ресторанининг пазандалари сизларнинг хизматингизда бўладилар.

Байрам дастурхони атрофида куй тинглаб, қўшиқ эшитишни истаган кишилар ана шу жойларга ташриф буюрсинлар!

БАЙРАМ ҚУВОНЧЛАРИ

Ш. Руставели кўчасида янги магазин иш бошлади. Бу ярим тайёр маҳсулот ва масаллиқлар магазинидир.

Бу ерда гўшт, балиқ, ун, сут, пиширилган сабзавот, кондитер маҳсулотлари билан савдо қилаётган ўн бир секция ишлаб турибди. Оддий ва майиз қўшилган хамирдан тортлар, палов масаллиғи жойланган тугунчалар, чучвара ва балиқлар ҳамма-ҳамма сотилади.

Магазинда буюртмалар столи ташкил этилган.

Сиз суратда шу магазиннинг бош ошпази В. Иванова билан ошпаз Х. Тошпўлатовни кўриб турибсиз. Улар улуғ байрамни муносиб кутиб олиш учун меҳнаткашларнинг дастурхонларини безаш юзасидан магазин номига олинган ўнлаб буюртмаларни тайёрламоқдалар.

Бу ерда байрам дастурхонини қандай безаш юзасидан тегишли маслаҳатлар ҳам берилади. Шарқ ва Европа таомлари ўзига хос тартиб билан тайёрланади. Исталганча миқдорда торт ва пирожнийларни харид қилиш мумкин.

М. Нуриддинов фотолари.





Дўстлар хизматидамиз

Куйбишев районининг ўн беш ошхонаси, уч чойхона ва ярим маҳсулотлар тайёрлаш фабрикаси ва ўнлаб буфетлари шу кунларда байрам олди савдосини қизитиб юбордилар. Уларнинг байрамга тайёрлаган лаззатли тортлари, турли хил таомлари ва ширин ичимликлари шаҳарликлар дастурхонининг кўрки бўлади. Байрамга атаб янги хил таомлар тайёрлашда Саблин, Старков, Дўстмуҳамедов, Степанянц, Ғозитўраев каби кўплаб мутахассислар муносиб ҳисса қўшдилар.

7 ноябрь эрта саҳарда ўнлаб буфетлар ва машиналар Ленин номли майдонда байрам дастурхонини безайдилар. Шунингдек, байрам кунлари шаҳарнинг ҳамма жойида ҳам намойишчилар истаган таомларини истеъмол қилишлари мумкин. Тошкент меҳнаткашларининг байрамни кўнгилли ва хушнудлик билан ўтказишлари учун экспедиторлар, хўжалик мудирлари, ошпазлар ва ошхоналар трестининг барча ходимлари жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТРЛАРДА



Навоий номли академик катта театрда
6 НОЯБРДА „ҚИРҚ ҚИЗ“
7 НОЯБРДА КАТТА КОНЦЕРТ

Ҳамза номли академик драма театрида
6 НОЯБРДА АЯЖОНЛАРИМ

Муқимий номли театрда
6 НОЯБРДА НУРХОН
7 НОЯБРДА НУРХОН (кундуз)
КОНЦЕРТ (кечқурун).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

6 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

16.50 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЭШИТТИРИШ. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «ЛЕНИН БИЛАН БИР САФДА» деган телевизион ҳужжатли фильмнинг премьераси. 22.00 Байрам концерти. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 Телевизион янгиликлар. 00.30 «ЛЕНИН ОКТЯБРДА». Бадиий фильм. 02.10 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида:

10.55 Эшиттиришлар программаси. 11.00 Болалар учун. «Биз — Ильич набиралари». 11.45 Экранда — ярим аср йилномаси. «ЧАПАЕВ». Бадиий фильм.

МОСКВА КУРСАТАДИ

13.15 Ўқувчилар учун «Биринчи қалдирғочлар». Телефильм премьераси. 13.30 Ўқувчилар учун. Д. Бродская «Марянинг болалиги». Телеспектакль премьераси. 14.35 Интервидение. Ўқувчилар учун. «Гулхандек ёнг» Рақс сюитаси. 15.05 Москва кундузги эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида:

16.55 Эшиттиришлар программаси. 17.00 Рус тилида телевизион янгиликлар. 17.15 Ярим аср йилномаси. «ЛЕНИН КУРСАТГАН ЙЎЛДАН». 17.35 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. Спортчиларимиз совғаси. 17.55 М. Шайхзода, Н. Акбаров. «ТОШКЕНТНОМА». Телевизион композиция. 18.45 Телевизион янгиликлар. 19.00 Санъат саройидан концерт олиб кўрсатилади. 21.20 Экранда — ярим аср йилномаси: «АСР БОШИДА». Бадиий фильм.

7 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.20 Ярим аср йилномаси.

10.00 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ. В. И. Ленин номидаги майдондан Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши ҳақида репортаж олиб кўрсатилади.

МОСКВА КУРСАТАДИ

12.45 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ. Охирида «Ишчилар иши учун кураш байроғи» деган мусиқали фильм премьераси кўрсатилади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида:

16.55 Эшиттиришлар программаси. 17.00 Болалар учун. «Яшасин Ленин, Октябрь!» Адабий-музикали композиция. 17.40 «Тириклардан тирик». В. И. Ленин ҳақида киноҳужжатлар. 18.40 Тошкент — юбилей олдида. 19.00 «ҚУТЛУҒ ҚОН». Бадиий фильм. 20.30 Байрам базми.

МОСКВА КУРСАТАДИ

22.15 «Огонёк». Байрам сони. 00.15 «Аврора» байрами». Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган эшиттириш. 01.00 «ОКТЯБРЬ». Бадиий фильм. 02.30 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

12.45 ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ. (В. И. Ленин номидаги майдондан олиб берилаётган репортажнинг давоми). Охирида «Аппассионата», телевизион бадиий фильм ва «Лайло Шарипова куйлайди» деган фильм-концерт кўрсатилади.

РЕСПУБЛИКА „ГАСТРОНОМ“ КОНТОРАСИ

Байрам столингиз учун гастрономия ва кондитер маҳсулотларининг энг яхши турларидан байрамолди



САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Магазинларимизга

МАРҲАМАТ!

Пушкин кўчасидаги 1-магазин,

К. Маркс кўчасидаги 2-магазин,

Чилонзор, 12-квартал, 12-уйда жойлашган 5-магазин,

Бируний майдонидаги 7-магазин,

Навоий кўчаси, 57-уйда жойлашган 11-магазин,

Шота Руставели кўчасидаги 13-магазин,

Високовольтний кўчаси, 101-уйга жойлашган 18-магазин,

Гагарин кўчаси, 1-уйга жойлашган 19-магазин, Ўзбекистон кўчасидаги 22-магазин,

Новомосковская кўчасидаги 23-магазин,

Оқтепадаги 26-магазин,

Шота Руставели кўчасидаги 27-магазин.

Юқорида кўрсатилган магазинларнинг буюртмалар столи арзон нархлардаги совғалар тўпламини Сизга тавсия қилади.

«ГАСТРОНОМ».

КИНОТЕАТРЛАРДА

«Восток»
«Навоий»
«Узбекистон»
«Чайка»
«Узбекистон 25 йиллиги»
6 НОЯБРДА *МАТОНАТЛИ КИШИЛАР* (кундуз ва кечқурун).
КЎЛНИ БЕР ДЎСТИМ (кундуз ва кечқурун).

„МОСКВА“
ИСЁНКОР ЗАСТАВА (кундуз ва кечқурун).

«Восток»
«Навоий»
«Узбекистон»
«Чайка»
«Узбекистон 25 йиллиги»
7, 8, 9 НОЯБРДА *ИСЁНКОР ЗАСТАВА* (кундуз ва кечқурун).

Суратда: «Узбекфильм» кино студияси ишлаган «Фарҳод нинг жасорати» фильмидан кадр.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“НИНГ ЭКСКУРСИОН БЮРОСИ

Байрам кунларида — 7, 8, 9-ноябрда Тошкент транспорт агентлиги республикамиз бўйлаб Сизларни экскурсияга таклиф қилади:

Тошкент — Самарқанд,

Тошкент — Бухоро

Тошкент — Фарғона — Шоҳимардон

Бундан ташқари Тошкент областининг ҳамма дам олиш уйларида, Зангори кўл ёқасида, Чимёнда ва Тошкент денгизида...

Шаҳар бўйлаб эса «Тошкентнинг кечаги, бугунги ва эртанги» куни ҳақида экскурсиялар уюштирилади.

Экскурсион бюрога В 32-152 телефон орқали соат эрталаб 11.00 дан кундуз соат 2 гача заказ қилишингиз мумкин.

БАЙРАМ ОБ-ҲАВОСИ

5—9 ноябрда ҳавонинг бироз булутланиб туриши кутилади. Беш кунликнинг охирида ёмғир ёғади, шамол ўзгариб туради. Кечаси 2—7 даража, кундузи 15—20 даража иссиқ бўлади.

7 НОЯБРДА

Ҳаво очиқ бўлади. Температура 4—9 дараж иссиқ, кундуз куни эса 19—24 даража иссиқ бўлади.

8 НОЯБРДА

Ҳаво очиқ бўлади. Температура 4—9 даража иссиқ, кундуз куни 19—24 даража иссиқ бўлади.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Горкома КП Узбекистана Орган Ташкентского и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими—В3-81-42.

6 НОЯБРЬ, 1967 ЙИЛ. Р. 06880. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3053.